

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ

«ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ»

«Иқтисодиёт» кафедраси мудири

_____ доц. А.Б.Қурбонов

« ____ » _____ 2018 йил

« ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Иқтисодиёт» факультети декани

_____ и.ф.д., проф. А.Ф.Хуррамов

« ____ » _____ 2018 йил

Қишлоқ хўжалигида кредит тизимидан самарали фойдаланиш мавзусини замонавий ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш. (Қашқадарё вилояти АТБ “Халқ банки” мисолида)мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: Касб таълим (иқтисодиёт)

таълим йўналиши битирувчи

IV-курс талабаси _____ М.А.Абдуллаева

ИЛМИЙ РАҲБАР:

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ахборот

таҳлил бўлими етакчи мутахассиси

_____ Ф.Исломов

ИЛМИЙ МАСЛАҲАТЧИ:

Касб таълими кафедраси

_____ доценти. З.Л.Ботиров

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди

_____ сонли баённома « ____ » _____ 2018 й.

ҚАРШИ – 2018 йил

МУНДАРИЖА

| | | |
|-------------------|---|-----------|
| Кириш..... | | 3 |
| 1. | ФАН ВА МАВЗУНИНГ ТАВСИФИ..... | 6 |
| 1.1. | Танланган мавзунинг долзарблиги | 6 |
| 1.2. | Мавзуни ўқитишда танланган замонавий ўқитиш методларининг аҳамияти..... | 7 |
| 2. | ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ..... | 9 |
| 2.1. | Таълимда умумдидактик тамойиллар..... | 9 |
| 2.2. | Илғор педагогик технологиянинг манбалари, методологик асослари унинг ва турлари..... | 11 |
| 2.3. | Педагогик технология тамойиллари..... | 13 |
| 2.4. | Замонавий педагогик технологияларнинг турлари..... | 15 |
| 2.5. | Педагогик технологияларни муҳим белги ва хусусиятлари..... | 18 |
| 2.6. | Ўйиннинг дидактик мақсадлари..... | 20 |
| 2.7. | Техникавий фанларни ўқитишда кроссворд ўйин технологиясидан фойдаланиш..... | 22 |
| 2.8. | Кейс таълим технологиясида муаммонинг асосий вазифалари | 26 |
| 2.9. | Таълим жараёнида масофавий таълим тизимларидан фойдаланиш... | 28 |
| 3. | ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР МАЖМУАСИ..... | 30 |
| 3.1. | Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш амалиёти ва унда тижорат банкларининг ўрни ҳамда кредитлашнинг назарий асослари..... | 30 |
| 3.2. | Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усуллари ва хусусиятлари..... | 35 |
| 3.3 | Акциядорлик тижорат Халқ банки Қашқадарё вилояти | |

| | | |
|-----------|--|-----------|
| | филиалида қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалдаги ҳолатининг таҳлили ва унга хос бўлган тенденциялар..... | 41 |
| 3.4. | Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти..... | 48 |
| 3.5 | Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизимини ривожлантириш йўллари..... | 51 |
| 4. | НАЗАРИЙ ДАРС ЎТИШ МЕТОДИКАСИНING УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ..... | 56 |
| 4.1. | Назарий таълимни педагогик технологиянинг интерактив методларида ташкил этиш..... | 56 |
| 4.2. | Назарий дарс машғулотининг таълим модели ва харитаси... | 57 |
| 4.3. | Назарий машғулотда таълим технологияси модели ва технологик харитаси..... | 59 |
| 4.4. | Назарий дарс ўтиш методикаси..... | 61 |
| 5. | АМАЛИЙ МАШЎУЛОТНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИНING УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ..... | 68 |
| 5.1. | Амалий машғулотларни ташкил этиш шакллари..... | 68 |
| 5.2. | Амалий машғулотда таълим технологияси модели ва технологик харитаси..... | 69 |
| 5.3. | Амалий машғулотни ўтказиш методикаси..... | 71 |
| | ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР..... | 75 |
| | Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 79 |

КИРИШ

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитидақишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш орқали ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хом ашё билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш истиқболда оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан саналади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий масаласи, бу – қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни барқарор ишини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириб бориш асосида мамлакат аҳолисининг озиқ-овқатга, саноатнинг эса хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондиришдир.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Маълумки, ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш лозим.”¹

Чорвачилик соҳасида қорамол ва парранда сонини кўпайтириш, бу борада сифат ва маҳсулдорликка эришиш учун етарли шароит яратишилиши зарур. Мамлакатимиз ҳудудларида ихтисослаштирилган бўрдоқчилик комплекслари, юқори технологик паррандачилик фабрикалари, шунингдек, иссиқхона хўжаликлари ташкил этилиши лозим.

Қишлоқ хўжалигини эркин бозор иқтисодиёти қонунлари талаби даражасида барқарор ривожлантириш учун қишлоқ хўжалигида хўжалик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ./-Т., 22.12.2017 йил.

юритишнинг турли мулк ва мулкчилик шакллари ва тадбиркорлик шакллари барпо этишнинг зарурлиги, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, суғороладиган ерлар майдони, сифати, моддий-техника ресурслари, фан-техника тараққиёти, илғор технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигининг асосий ва айланма фондлари меҳнат ресурслари бозори, меҳнат унумдорлигини ошириш инвестициялар (капитал қўйилмалар) бўйича Давлатнинг сиёсати, қишлоқда сервисни ривожлантириш, харажатларни тежаш, маҳсулотларнинг ва хизматларнинг баҳоларини белгилаш ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг даромадларини кўпайтириш йўллари асослаб бериш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда Қашқадарё вилояти аҳолисининг тез суръатларда ўсиши, моддий ва табиий ресурсларининг чекланганлиги, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг юқорилиги билан ажралиб туради. Бундай муаммони қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўжаликлар орқали ҳал этилади. Қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашда банкларнинг ролини ошириш бўйича амалий таклифлар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мавзунинг мақсади ва вазифалари: Қишлоқ хўжаликлари учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлаш механизмини такомиллаштиришнинг самарадорлигини ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш ва келажакда уни юксалтириш йўллари белгилаб бериш ҳисобланади

Мақсадни ҳал этиш учун қуйидаги вазифаларни ўрганишни талаб этади:

- тижорат банкларининг қишлоқ хўжаликлари учун мўлжалланган кредитлаш усуллари ва улардан фойдаланиш учун хос бўлган хусусиятларни аниқлаш;
- Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётига хос бўлган тенденцияларни аниқлаш ва баҳолаш;

- мамлакатимизда тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжаликлари учун мўлжалланган кредитлаш амалиётини такомиллаштириш;
- республикамиз тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжаликлари учун мўлжалланган кредитлаш амалиётини такомиллаштириш.

Мавзунингамалий ахамияти: Битирув малакавий ишида назарий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан асосланган ҳолда олға сурилган ғоялар, услубий ишланмалар қишлоқ хўжаликларига берилаётган кредитлар ва ундан самарали фойдаланиш концепциясини амалиётга тадбиқ этилишини таъминлашга хизмат қилади. Улардан самарали фойдаланиш ҳисобига келажакда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш имконияти яратилади.

Мавзунинг объекти ва хажми: Иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида энг долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Битирув малакавий ишимнинг объекти сифатида Акциядорлик тижорат Халқ банки Қашқадарё вилоятифилиали танланган. Мавзуни ёритишда 3та боб ва ҳар бобни қамраб олувчи саволлар қўйилган. Қўйилган саволлар Акциядорлик тижорат Халқ банки Қашқадарё вилоятифилиалининг барча иқтисодий кўрсаткичларни ўрганиш ва таҳлил қилишга хизмат қилади.

1.ФАН ВА МАВЗУНИНГ ТАВСИФИ

1.1. Танланган мавзунинг долзарблиги

Республика миллий иқтисодиётининг барқарор ривожланишида қишлоқ хўжалиги тармоғи асосий ўрин тутди. Мамлакатдаги барча ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий масалаларнинг ҳал этилиши, яъни ислохотларнинг самарали амалга оширилиши кўп жihatдан шу соҳада эришилаётган ютуқларга боғлиқдир, шу сабабли мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ва хом ашёга бўлган талабларини ҳисобга олиб аграр соҳа ривожига асосий эътибор берилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислохотлар натижасида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалигига илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишилиши зарур. Бунинг учун пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга. Хўжалик юритувчи субъектларининг банкларга бўлган ишончини ошириш керак., банк тизим фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектлари, хусусан қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш керак. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар имкониятини оширади.

Қишлоқ хўжалигини эркин бозор иқтисодиёти қонунлари талаби даражасида барқарор ривожлантириш учун қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг турли мулк ва мулкчилик шаклларини ва тадбиркорлик шаклларини барпо этишнинг зарурлиги, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, суғороладиган ерлар майдони, сифати, моддий-техника ресурслари, фан-техника тараққиёти, илғор технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигининг асосий ва айланма фондлари меҳнат ресурслари бозори, меҳнат унумдорлигини ошириш инвестициялар (капитал қўйилмалар) бўйича Давлатнинг сиёсати, қишлоқда сервисни ривожлантириш, харажатларни тежаш, маҳсулотларнинг ва хизматларнинг

баҳоларини белгилаш ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг даромадларини кўпайтириш йўлларини асослаб бериш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда Қашқадарё вилояти аҳолисининг тез суръатларда ўсиши, моддий ва табиий ресурсларининг чекланганлиги, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг юқорилиги билан ажралиб туради. Бундай муаммони қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўжаликлар орқали ҳал этилади. Қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашда банкларнинг ролини ошириш бўйича амалий таклифлар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

1.2. Мавзунини ўқитишда танланган замонавий ўқитиш методларининг аҳамияти

Муаммоли жараён ҳосил қилиш уқувчилар актив аклий фаолиятнинг зарур шартидир. Уқувчи олдида муайян вазифа қўйилади, бу вазифа унда қизиқиш уйғотади ва уқувчи бу вазифани ҳал қилишга уринади, аммо уз билимлари ҳамда тажрибалари етарли даражада тула ва чуқур эмаслигини пайкайди, яъни аниқ қийинчиликка дуч келади. Уқувчида ҳосил булган вазиятдан чиқиш йўлини топишдек ички эҳтиёж пайдо булади, қийинчиликни ҳис этиш пайдо булган шароитни анализ қилишга ва қўйилган масалани ечиш йўлларини топишга ундайди.

Инсон билимлар системасини билиб олар экан, айти замонда бу билимларни ишлатиш усулларини, амалий ва назарий масалаларни ечишда билимлардан фойдаланиш учун зарур буладиган интеллектуал ҳаракатларнинг мураккаб системасини ҳам узлаштиради. Фикрлашдаги ҳаракатларни «дилда» бажаришга қаратилган аклий операциялар системаси, дебгина тушиниш ярамайди. Тафаккур амалий ёки назарий ҳаракатдан ажралмасдир, у инсоннинг бутун фаолиятига хизмат қилади, инсон уз олдида вужудга келадиган муаммоларни ечишнинг тайёр усулларига эга булмаган ёки ҳаракатларни бажаришнинг янги усулларини топиши зарур булган ҳолларда унинг фаолиятини тартибга солишга ёрдам беради.

Муаммоли вазиятни хал этиш асосида ташкил килинган укув жараёни педогогикада муаммоли укитиш деб аталади. Муаммоли укитиш вақтида ҳамма вақт масала (муаммо) куйилади ва хал килинади. Бу муаммо савол, топширик, масала тарзида берилади. Аммо укитишда, шу жумладан, укув материални узлаштиришдан олдин савол ва масалалардан фойдаланиш муаммоли укитиш шартларига ҳамма вақт ҳам тугри келавермайди. «Муаммоли вазият» ҳамда «масала» тушунчаларининг маъноси бир хил эмас. «Масала» тушунчаси билан ҳаракатнинг баъзи объектив бериладиган характеристикаларигина белгиланади, иштирок этувчи шахс- субъект эса қушилмайди. Масалани ечиш жараёни изланаётган зарур нарсанинг топилишини таъминлайдиган масала шартларини узгартириш системасидан иборат.

Ҳозирги даврда таълим-тарбияни такомиллаштиришни нафақат ўзимизнинг илғор тажрибаларимиз, балки хориждаги таълим соҳасида қўлланилаётган ўқитишнинг янги самарали услубларини чуқур ўрганиб, маҳаллий шароитга мослаштирган ҳолда янгилик киритишнинг назарий ва амалий қоидаларига риоя қилган ҳолда киритиш, қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Хотимада шуни таъкидлаб утиш зарурки, дарсда муаммоли вазиятлар ҳосил килиш оқибат натижада аниқ укув материални онгли равишда узлаштиришга караганда анча куп нарсани билишга ёрдам беради, чунки укувчилар уларни хал этиб, фикрлашга, мулоҳаза юритишга, хулосалар чиқаришга урганадилар. Укитишнинг бундай усулуби инсонни актив, ижодий фикрлайган килиб тарбиялашга ёрдам беради.

2. ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Таълимда умумдидактик тамойиллар

Таълимида дидактик тамойиллар: таълимни илмий асосда ташкил этиш; унинг тарбиявий ахамияти, мунтазамлиги ва изчиллиги; кургазмалилиги, мазмунининг укувчиларга мос булиши; уқитишнинг фаоллиги ва онглилиги; билим, куникма ва малакаларни пухта узлаштириш ва хар бир укувчига якка тартибда ёндашишдан иборат бўлади.

Ўқитувчи укувчиларга машина ва жиҳозларнинг тузилиши, ишлаш тамойили ва меҳнатни ташкил этишни чуқур ургатиши, уларни кишлок хужалигини янада ривожлантириш режалари, фан ва техниканинг ютуқлари, олимлар, муҳандис ва ишчиларнинг хизматлари хақидаги маълумотлар билан ҳам танишиш лозим.

Таълимни илмий асосда ташкил этиш тамойили: укувчиларнинг таълим олиш игларини фаоллаштирувчи, аклий кобилиятларини устирувчи, уларни мустакил билдим олишга ўргатувчи усулларни танлаш ва техникавий атамалардан фойдаланишга одатлантиришдир.

Таълимнинг тарбиявий характери: ўқувчиларга касбий билим бериш, уларнинг аклий усиши ҳамда дунёкарашининг шаклланиши учун шарпоит яратади.

Таълимни амалга оширишда уқитувчи укувчиларга уз касбларига муҳаббат, онгли интизом, уз меҳнатини режалаштира билиш, жамоа билан ишлай билиш куникмаларини тарбиялаши лозим. Хар бир дарсда укувчилар билим ва малакаларни эгаллашлари билан бирга уларнинг дунёкараши ҳам шакллана бориши зарур. Дарслар шу мақсадга йуналтирилиши кеарк.

Кургазмалилик тамойили: урганилаётган ходиса ва нарсаларни жонли идрок этиш асосида узлаштиришни назарда тутати.

Таълимнинг кургазмалилик тамойили укув материалини аник образлар оркали бевосита идрок қилишни таъминлайди.

Таълим жараёнида кургазмали воситалардан тугри фойдаланиш укувчиларнинг техникага оид билимларни пухта узлаштириш олишига, малакаларининг ошишига ёрдам беради.

Агар кургазмали курол бирор укув материални ифодалаш, курсатиш воситаси булса, нутк асосий, кургазмали курол эса ёрдамчи восита булади. Агар кургазмали восита кузатишни ривожлантириш учун кулланилса, нутк киска булиши, факат асосий воситага, яъни кузатишнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга каратилиши керак.

Билимларни эгаллаш жараёнида нарса ва ходисаларни кузатиш, сезиш ва идро кэтишнинг мухимлигини ифодалаган Я.А.Коменский шундай ёзган эди: «Укувчилар сезиб идрок этиши мумкин булган нарсаларни, албатта, сезгилар воситаси билан, яъни куиш мумкин булган нарсаларни куз билан куриб, эшитиш мумкин булган нарсаларни кулок билан эшитиб, хиди бор нарсаларни хидлаб куриб, ушлаб сезиш мумкин булган нарсаларни ушлаб билиб олишлари керак. бирданига куп сезгилар ёрдамида идрок этиш мумкин булган нарсаларни, иложи борича, бир неча сезгилар иштирокида идрок этиш лозим. Болаларга билим бериш учун умуман хамма нарсага бевосита кузатиш ва сезгилар асосида укитиш керак».

Мана шу талабларни бажариш учун назарий дарсларда плакат, видеофильм, диафильм, ёнилги ва мойлаш материаллари, мойлаш ва ёнилги билан таъминлаш ускуналари ва бошқалар булиши керак. таълимнинг укувчиларга мос булиши тамойили уларнинг аклий, жисмоний ва ёш хусусиятларини хисобга олишни талаб килади.

Онглилик ва фаоллик тамойили таълими укувчилар илмий билимларни онгли, ижодий узлаштирадиган йусинда ташкил этишни кузда тутуди. Бунга эса укувчиларнинг дарс вақтидаги жуда фаоллиги билан эришиш мумкин. Бу тамойил ишлаб чиқариш таълими жараёнида касбий малакаларни онгли узлаштиришда, ундаги иш-харакатларни фарқлай билишда куринса, амалий иоппирикларни бажаришда мазкур тамойилнинг натижаси меҳнат усуллари тугри ва белгиланган вақтда бажарилишида,

машинани бошқаришда педаль ва ричаглардан тугри ва тез фойдаланишда, билим ва малакаларни янги объектларга тез ва анки кучиришда намоён булади.

Малакаларни пухта узлаштириш тамойили. Бу тамойилга кура уқитувчи амалий, лаборатория машгулотларининг самарадорлигини назорат қилиб туради. Малакаларнинг пухта узлаштирилишини таъминлаш мақсадида ўрганилган материаллар мунтазам равишда такрорлаб борилади, янги материални мустахкамлаш тартиблари кулланилади.

2.2. Илғор педагогик технологиянинг манбалари, методологик асослари унинг ва турлари

Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг билим савияси, ўзлаштириш қобилияти, таълим манбаи, дидактик вазифаларига қараб, муносиб равишда оғзаки, кўргазмали ва амалий каби уч гуруҳга бўлинадиган методларнинг қуйидаги вариантлари қўлланилади:

ўқитишнинг маъруза (суҳбат) методи;

ўқитишнинг амалий ишлар методи;

лаборатория ишлари методи;

мустақил ишлар методи;

муаммоли-эвристик моделлаштириш методи;

илмий-тадқиқот методлари;

ўқитишнинг муаммоли-изланиш ва репродуктив методи;

ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методи;

ўқитишнинг назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методи.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки, таълим муассасаларида янги педагогик технологиялар, замонавий ўқитиш услубларидан фойдаланиб, жаҳон талаблари даражасида ўқувчи ва талабаларни ўқитиш мумкин.

Педагогик технологиянинг умумий муаммолари кўп сонли ва ранг-барангдир. Булар орасида анъанавий таълимга янгича ёндашувларни татбиқ қилиш, педагогик жараённи такомиллаштириш, демократик педагогика

элементларини шакллантириш ва улардан амалда фойдаланиш, ҳамкорлик ва инсонпарварлик педагогикасини кучайтириш, билим олувчи ва тарбияланувчи шахсини фаоллаштириш, таълим мазмунини дидактик тамойиллар асосида бойитиш, ўқув жараёнини юксак даражада ташкил этиш ва уни бошқариш, таълим-тарбия жараёнларининг узлуксиз мониторинги ва назорати ҳамда сарҳисобини амалга ошириш, ривожлантирувчи ва альтернатив (муқобил) технологияларни самарали тарзда қўллаш кабилар алоҳида ўрин тутди.

Педагогик технологиянинг умумпедагогик, хусусий ва кичик даражалари фарқ қилинади. Бундан ташқари, сезги аъзолари орқали билим олишни ифодаладиган эмпирик, моддий ва маънавий олам ҳақидаги билимларни кенгайтирувчи когнитив, ижодий фаоллик ва ўқув-изланиш меҳнатига асосланган эвристик, тадқиқот ва янгилик яратиш фаолияти билан боғлиқ креатив, ахборот ва маълумотларни қайта ишлаш ва ўзгартириш эвазига таълим-тарбия берувчи инверсион, ўзлаштирилган билимларни омехталаб тугал тафаккурга олиб келувчи интегратив, ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиб ўқитишга таянувчи адаптив, таълим олувчи ва тарбияланувчи шахси билан ўқитувчи муносабатидаги тенглик ва адолатлиликка бўйсунувчи инклюзив каби педагогик технологияларнинг йўналишлари шаклланган. Уларнинг қамрови юқорида тилга олинган уч хил даражада бўлиши мумкин. Умумпедагогик технология дунё таълим тизимининг барча илғор ва самарали элементларини ўзида жо этади ва кенг кўламда амалга оширилади. Бизнинг амалдаги узлуксиз ва ягона таълим тизимимизда умумпедагогик технология етакчи ўринни эгаллайди. Таълим турлари ва йўналишлари, ихтисослик ва мутахассислик таснифи ҳамда таълим муассасасининг ўзига хослиги асосида хусусий технология жорий этилади. Ўқитишнинг асосий ташкилий шакли бўлган дарс ва унинг бевосита давоми бўлган дарсдан ташқари ишларда кичик технологиялар қўлланилади ҳамда улар локал педагогик самарага олиб бориши лозим.

2.3. Педагогик технология тамойиллари

Педагогик технология тамойилларининг манбалари ижтимоий-маънавий ўзгаришлар, янги педагогик-психологик эврилишлар, педагогика-психология ва барча турдаги фанларнинг интегратив ва дифференциатив ривожланиши, дунё педагогикаси ва миллий (маҳаллий) педагогиканинг бой ва илғор тажрибаси, этнопедагогика(халқ педагогикаси)нинг тарихий ва замонавий меросидан келиб чиқади. Пировард натижада, педагогик технология педагогиканинг асосий («олтин») қоидасини бажаришга, яъни таълим ва тарбиянинг бирлигини таъминлашга хизмат қилиши лозим. Бунда изчиллик, мақсадлилиқ, умумийлик каби тамойиллар билан бир қаторда педагогик технологиянинг ижтимоий, фалсафий, методологик, дидактик, педагогик, психологик, физиологик, гигиеник, мафкуравий, ҳуқуқий-меъёрий, иқтисодий, тарихий, назарий ва амалий асослари ҳам бараварига қатнашади. Ўқитувчи ва ўқувчининг муносабатига дахлдор тамойилларнинг амал қилиши эса ўқув жараёнининг сифат ва самарадорлигини таъминлашнинг кудратли омилидир.

Педагогик технологиянинг барча тамойиллари ўзаро алоқадорликда ва бир-бирини тақозо этган ҳолда амал қиладилар.

Педагогик технологиянинг ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни деса бўлади.

Педагогик технология амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳаси бўлиб ҳисобланади.

Педагогик технология-таълим технологияси, янги педагогик тажриба, янги педагогик технология, ахборот технологияси, янги тажриба, новатор ўқитувчилар тажрибаси, таълим методлари, тарбия методлари каби тушунчаларни қамраб олиши билан биргаликда таълим жараёнида олдинга қўйилган мақсадга эришишнинг йўли, ўзига хос инструментарий бўлиб ҳисобланади.

Демак, педагогик технология дидактик вазифаларни самарали амалга ошириш, шу соҳадаги мақсадга эришиш йўли.

Педагогик технология ва ўқитиш технологияси ўзаро боғлиқ бўлиши билан бирга фарқ қилувчи томонлари ҳам мавжуд.

Педагогик технология таълим-тарбия жараёнининг ҳамма соҳаларини камраб олувчи яхлит тизим бўлса, ўқитиш технологияси маълум фанларни ҳозирги дидактик талаблар асосида ўқитишнинг яхлит тизимини ташкил қилади.

1. Илғор педагогик технологиянинг методик асослари давлат таълим стандартлари бўлиб ҳисобланади. Давлат таълим стандартларида талаба(ўқувчи)эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малакалар мезони белгилаб берилган. Билим, кўникма ва малакалар ДТС талабларидан паст бўлмаслиги керак.

2. Педагогик технология ва ўқитиш технологияларининг мақсади битта-ижодий тафаккур соҳибини етиштиришдан иборат. Бу мақсад-давлат таълим стандартларининг бош талабидир. Таълим жараёнидаги ҳар бир технология, берилган топшириқлар ўқувчининг ижодий фикрлашига ва ижодий ривожланишига олиб келсин. Шундай вазият яратиш керакки, ўқувчи(талаба)ўз хоҳиши билан излансин, тафаккурини ривожлантирсин, интиلسин, унда фанни эгаллашга қизиқиш уйғонсин.

3. Ҳар бир машғулотда бериладиган топшириқларумумий вақтнинг 20-25% ини эгалласин, ўқувчининг ижодий тафаккур асосида иш олиб бориши эса вақтнинг 70-80% миқдорига тўғри келсин. Ўқувчи кўпроқ амалий билимларни эгалласин ва ундан назарий хулосалар чиқара олсин.

4. Ўқитиш технологиясида билим бериш, билим олиш усулини танлаш ва ўрганишга катта аҳамият бериш, билим олишнинг баҳс-мунозара асосида амалга ошишини таъминлаш.

5. Ўқитиш усули-технологиясиянги педагогик технологияларнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

6.Таълим жараёнида дарсларни баҳс-мунозара, семинар, ўйинлар, диспутлар, кувноқлар ва зукколар мусобақаситарзида ва ҳар хил театрлашган вазиятлар шаклида ташкил этиш, яъни таълимда табақалаштирилган ёндашувни амалга ошириш лозим.

7.Таълим жараёнининг таянч билимларни амалиётга татбиқ этиб, ривожлантириб бориш асосида ва тизимли тарзда ташкил этилиши янги педагогик технология ва ўқитиш технологияларининг узвийлигини таъминловчи - локал (битта йўналиш) ҳолатининг самара беришига олиб келади.

Ҳозирги илмий-техник тараққиёт асрида таълимни технологиялаштириш олдида бир қатор вазифалар қўйилган.

2.4. Замонавий педагогик технологияларнинг турлари

Замонавий педагогик технологиялар узлуксиз таълим турлари, таълим соҳалари ҳамда айрим белгилари бўйича турларга ажратилади. Узлуксиз таълим турлари бўйича мактабгача таълим, бошлан-ғич таълим, таянч таълим, мактабдан ташқари – қўшимча таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, қайта тайёрлаш вазифа-ка ошириш таълими замонавий педагогик технологияларга бўлинади.

Шу билан бирга, таълим соҳалари бўйича она тили, хорижий тил-лар, адабиёт, ижтимоий, табиий, аниқ фанлар, санъат, спорт, техника, технология, амалий фанлар, касб-хунарлар, махсус таълим педаго-гик технологиялари мавжуд.

Билиш фаолиятини бошқариш бўйича замонавий педагогик технологияларнинг қуйидаги турлари маълум:


- *классик маъруза;*
- *техника воситалари ёрдамида ўқитиш;*
- *маслаҳатчилик тизими;*
- *дарслик бўйича ўқитиш;*
- *кичик гуруҳлар тизими;*
- *компьютер ёрдамида ўқитиш;*

- *репетиторлик тизими;*
- *дастурлаштириладиган бошқарув.*

Таълим олувчига ёндашув тури бўйича замонавий педагогик технологиялар қуйидагича номланади:


- *авторитар;*
- *дидактик йўналтирилган;*
- *ижтимоий йўналтирилган;*
- *антропологик йўналтирилган;*
- *педагогик йўналтирилган;*
- *шахсга йўналтирилган;*
- *инсонпарварликка ва шахсга йўналтирилган;*
- *ҳамкорлик технологияларига йўналтирилган;*
- *эркин тарбияга йўналтирилган;*
- *эзотерик таълим ва тарбияга йўналтирилган.*

Умуман, замонавий педагогик технологияларни юқорида айтилганлардан ташқари бир қанча белгиларга кўра ҳам турларга ажратилади. Таълим жараёнининг дидактик моҳияти қуйидаги педагогик технологияларни ажратишга имкон беради:



2.1 - расм. Замонавий педагогик технология турлари

Бошқа бир томондан олиб қараганда, педагогик муносабатнинг таркибий қисми бўлган мулоқот (коммуникатив фаолият)ни қуйи-даги шаклларда уюштириш мумкин:



2.2 - расм. Замонавий педагогик технологияда мулоқотшакллари

Таълим-тарбия жараёни бутун машғулот давомида ўқувчи-талаба фаоллиги ва қизиқувчанлигини мунтазам равишда уйғотиб бориш мақсадини кўзда тутди. *Ўқув омиллари яратишга асосланган педагогик технология* ўқувчиларни тезкорлик билан ўқув ёки ўқув ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилиш имконини беради. Акс ҳолда, заиф, етарли даражада тушунарли бўлмаган ёки аниқ натижа кўзланмаган топшириқлар машғулотнинг самарасиз яқунланишига олиб келади.

Таълим-тарбия ишини ташкил этишда ўқитувчи ва ўқувчи-талаба орасидаги ўзаро муносабат ва мулоқотнинг бир неча тур-лари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

Ўқув омиллари яратишга асосланган педагогик технология ўқитувчиларнинг ўқувчи-талабаларга мулоқот асосида таъсир этиш йўл-ларини ҳам ўз ичига олади. Кенг тарқалган метод ёки мулоқот таъ-сирлари қуйидагилардан

иборат: ишонтириш, исботли натижаларгаасосланиш, бевосита ҳамда билвосита таъсир, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзаро таъсир методлари.

Замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш ҳисобига таълим жараёнининг рағбати (мотивацияси) ку-чайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр ҳолда олинган билимлар, одатда, уларни амалиётда қўллашни қийинлаштиради, бу айниқса, аниқ масалаларни ечишда намоён бўлади. Шунинг учун билим, кўник-ма ва малакаларни ўзлаштиришда ўқувчи-талабаларнинг бевосита фао-лият кўрсатишлари талаб этилади. Бу муаммонинг ечими *бошқарувга асосланган педагогик технологиянинг* қўлланиши билан боғлиқдир.

Муайян ЗПТни танлаш ўзгарувчан дарс ҳолатининг ўзгаришига имкон беради ҳамда фаолият мақсадига қараб амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, билиш жараёнини бошқаришга қўйилаётган талаб, шунингдек, ўзлаштириш, мулоқот қилиш каби ўқувчи фаолиятини шакллантиради.

2.5. Педагогик технологияларни муҳим белги ва хусусиятлари

Педагогик технология – бу, таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир.

Педагогик технологияларни муҳим хусусиятлари, белгилари қуйидагилардан иборат:


- таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва аудиторияда ўқувчилар билан қайта ишлаб чиқиш;
- тизимли ёндашув асосида талабанинг ўқиш – билиш фаолиятини тасвирлайдиган таълим жарпаёни лойиҳасини тузиш;
- таълим мақсади реал, аниқ диагностик бўлиши ва ўқувчининг билим ўзлаштириш сифатини объектив баҳолаш;
- таълим жараёнининг тузилиши ва мазмуни яхлитлиги, ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлиш;

- таълим шакллари оптималлаштириш;
- таълим жараёнида техник воситалар ва инсон салоҳиятининг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш;
- таълим мақсадларини кўзлаган этолон асосида ўқувчиларнинг кузатиладиган, ўлчанадиган ҳаракатлари шаклида жуда ойдинлаштириш;
- талабанинг фаоллигига таяниб ўқитиш;
- билим ўзлаштириш жараёнида йўл қўйилган хатоларни аниқлаб, тузатиб бориш;
- шакллантирувчи ва жамловчи баҳолар;
- белгиланган мезонларга биноан тест вазифаларини бажариш;
- таълимнинг режалаштирилган натижасига эришишнинг кафолатланганлиги;
- таълим самарадорлигининг юқорилиги.

Педагогик технология – тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шакллари қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнларида қўлланиладиган усул ва методлар мажмуидир.

Педагогик технология назарияси ва амалиёти қуйидаги қонуният ва принципларга асосланади:

- таълим – тарбия жараёни тузилиши ва мазмуни жиҳатидан яхлитлиги, бирлиги;
- таълим жараёнини оптималлаштириш: қулай шароит яратиш, оз вақт, кам куч сарфлаб юқори натижага эришиш;
- замонавийлик: педагогик амалиётга илмий асосланган дидактик янгиликларни, янги тартиб – қоидаларни жорий этиш, таълим мазмунини узлуксиз янгилаб, замонавийлаштириб бориш;
- илмийлик: таълим – тарбияда янги шакл ва воситалар, фаол методлар, дидактик материалларни қўллаш, узлуксиз изланиш, тадқиқот.



2.3-расм. Замонавий педагогик технологияларнинг таркибий қисмлари

2.6. Ўйиннинг дидактик мақсадлари

Талабаларнинг транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш бўйича олган билимларини амалий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш, меъёрий ҳужжатларни мустақил ва уларни аниқ равишда ўрганиш ва уларни аниқ вазиятларида қўллаш; талабаларда жамоа бўлиб қарорлар қабул қилиш малакасини ва турли хилдаги мулоқот кўникмаларини шакллантириш, уларга ўзаро мулоқот қила билиш маданиятини ўргатиш; ўқитишнинг фаол шакллари қўллашда талабаларда юзага келадиган психологик тўсиқларни бартараф этиш.

Иш ўйинининг услубий таъминотида қуйидагилар кирди: сюжет, топшириқлар тавсифи, топшириқларни ҳужжатлар асосида расмийлаштириш, зарурий автотраспорт ҳужжатлари пакети, калькуляторлар, компьютерлар, йўриқномалар.

Ўйиннинг асосий ғояси: талабаларнинг транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш йўналиши мутахассислик фанлари бўйича олган билимлари аҳамиятини тушунишлари учун реал вазият яратиш.

Ўйин бир неча босқичда ўтказилади:

Биринчи босқич – тайёрлов босқичи. Бунда ўйинни ўтказиш режаси тузилади, талабалар билан биргаликда ўйин сценарийси ишлаб чиқилади, унинг умумий тавсифи, кўрсатмалар мазмуни, моддий таъминоти ҳақида фикр алмашилади ва асослар яратилади. Гуруҳ талабаларини тайёрлов босқичига жалб этиш уларнинг ўқув фаолиятига бўлган қизиқишини янада оширади.

- Ўйинни ўқитувчилар кириш сўзи билан бошлаб беради. У гуруҳ талабаларига ўйин қоидаларини тушунтиради, уларни бўлимларга тақсимлайди, қандай ролни ижро этишини айтади, талабаларни дастлаб алоҳида ва кейин гуруҳ ҳолда тест синовидан ўтказди. Кейин бўлим аъзоларига топшириқлар беради, материаллар тақдим этади ва йўл-йўриқлар кўрсатади.

Иш ўйинлари мусобақа хусусиятига эга. Бу эса ўйин иштирокчилари тасаввурини кенгайтиради, ўқув фаолиятини фаоллаштиради, уларга қўйилган масаланинг тўғри ечимини топишга ёрдам беради.

Иккинчи босқич– ўйинни ўтказиш. Берилган топшириқларга мувофиқ ҳолда бўлимларда вазифавий мажбуриятлар тақсимланади, бўлимнинг “муҳандиси” иштирокида ишлар амалга оширилади; ҳужжатлар айланиши графиги бажарилишини назорат қилиш унинг мажбуриятига киради. Ўйинда иштирок этувчилар (учта энг яхши талаба) мустақил экспертлар: “корхона раҳбари” деталларни ишга ростловчи, таъмирловчи сифатида, “механик” ишни ташкил этувчи ва “ишчи” берилган оtopшириқни бажарувчи сифатида иштирок этади.

Топшириқларни бажариш вақтини ўқитувчи қайд этиб боради. Бу эса ўйинга мусобақа элементларини киритиш имконини беради. Талабалар ўйин воситасида олган техник ижодкорлик билимларини мустаҳкамлайди.

Ўйин бошлангандан кейин унга иштирокчилардан бошқа ҳеч ким аралашмаслиги ва ўзгартиришлар киритмаслиги керак. Фақат ўйинни бошловчи (ўқитувчи) ўйин иштирокчилари унинг асосий мақсадидан четга чиқмаслиги учун улар фаолиятини мувофиқлаштириб туриши лозим.

Кейин иш натижаси экспертлар томонидан эълон қилинади.

Билими кучли талабалардан тузилган мустақил экспертлар гуруҳи ўйин жараёнида экспертлар фаолиятида йўл қўйилган хатоларни тўғрилаб туриши мумкин.

Якуний босқичда экспертлар ўйин натижаларини таҳлил этади ва баҳолайди, энг яхши натижага эришган бўлимлар ва иштирокчиларни аниқлаш бўйича ўзаро фикр алмашади.

Юқорида баён этилганлардан шундай умумий хулосага келиш мумкинки, замонавий ўйин технологияларининг шакллари турлича бўлиб, уларнинг барчаси ўз мазмунига кўра ягона мақсадни кўзлайди, яъни улар талабаларнинг фанга бўлган қизиқишини орттиради, муҳандислик саводхонлиги шаклланишига ёрдам беради. Бўлғуси муҳандис-ўқитувчи муаммони олдиндан кўра билишга ва уни ҳал этиш учун мустақил қарор қабул қилишга ўрганади, унда амалий касбий малака ва кўникмалар ривожланади.

2.7. Техникавий фанларни ўқитишда кроссворд ўйин технологиясидан фойдаланиш

Ҳозирги кунда замонавий педагогик технологияларнинг ривожи кўп жиҳатдан унда қўлланиладиган интерфаол усулларга боғлиқ. Шу муносабат билан таълим жараёнида ЗПТнинг элементи сифатида кроссворд усулини қўллашнинг кўпгина ижобий томонларини кўришимиз мумкин. Фикримизнинг тасдиғи сифатида биз аввал кроссворд ўйинларининг келиб чиқиши ва ривожи тарихига назар ташлайлик, сўнгра унинг педагогик-психологик жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Кроссворд ўйини XX асрнинг бошларида пайдо бўлди ва ўзининг қизиқарлилиги билан қисқа вақт ичида бутун дунёга кенг тарқалди.

“Кроссворд” сўзи инглизча сўздан олинган бўлиб, кросс - “крест” (+) ва ворд – “сўз” сўзларининг бирикмасидир ва у бошқотирма маъносини англатади. Кроссворд тузиш учун “ўзаро кесишувчи” катакчаларга сўзлар ёзилиши ва ёзувда умумий катакчаларда бир хил ҳарфлар қатнашиши керак.

Кроссворднинг ватанини аниқлаш борасида уч давлат баҳс юритадилар. Улар АҚШ, Англия ва ЖАР давлатларидир. Кроссворднинг газета саҳифасида биринчи марта чоп этилиши 1913 йилнинг 21 декабрига тўғри келади ва бу кун биринчи газета кроссвордининг туғилиш куни сифатида Гиннес рекордлар китобига расман киритилган. Бу кроссворд АҚШда Артур Уинн томонидан тузилган бўлиб, “Нью-Йорк уорлд” газетасида эълон қилинган.

Дунёда биринчи кроссворднинг пайдо бўлишининг энг гўзал, романтик тарихий лавҳаси ЖАР давлатига тегишлидир. Бу давлат одамларининг гапига кўра, биринчи кроссворд Капштадт (ҳозирги Кейптаун) шахрининг фуқароси Виктор Орвилл томонидан яратилган. Виктор Орвилл ўзининг бу кроссвордини, автомобиль ҳалокати сабаб айбланиб, 3 йил муддатли қамоқ жазосини ўташи даврида яратган. Бу машҳур кроссвордни Виктор Орвилл ўзини зерикшидан халос қилиш учун, қамоқхонанинг квадрат шаклдаги тош плиткалари сеткасида иборат полида тайёрлаган. Сўнгра қамоқдаги дўстларининг маслаҳатига кириб, кроссвордни қоғозга тушириб, шаҳардаги энг машҳур газета муҳарририятига жўнатган. Кроссворд кўпчиликда катта қизиқиш уйғотган ва кейинчалик у бошқа нашриётларда ҳам эълон қилинган. Натижада кроссворд муаллифи қамоқ жазосини ўтаб, озодликка чиққанида, катта миқдордаги гонорар пулига эга бўлган.

Кроссворд ўйини ҳақидаги қизиқарли тарихий лавҳалар жуда кўп. Улар билан қизиққанлар интернет саҳифаларига мурожаат этишлари мумкин. Айни вақтда биз ўқувчи-талабалар диққатини яна бир лавҳага, яъни кроссвордлар рекордлари лавҳасига қаратмоқчиман. Биринчи рекорд Ради Букартога тегишли бўлиб, унинг кроссворди 50400 сўзни ўз ичига олган. Сўнгра бу рекордни Светлана ва Семен Белявийлар янгилашган. Уларнинг

кроссвордида 64 минг сўз бўлиб, улар бу кроссвордни тузиш учун 7 йил вақт ва 6x8 метр қоғоз сарфлашган.

Энди кроссвордга оид муҳим педагогик-психологик жиҳатлар устида тўхтаб ўтамиз.

I.Талаба учун:

1. Кроссворд ўйин характерига эга. Бу хусусият мавзуни осон эгаллаш имконини беради. Чунки инсоннинг руҳияти мавзуни ўйин орқали қабул қилишга мойилдир.

2. Кроссворд хотирани чиниқтиради.

3. Кроссворд фикрлаш дорасини кенгайтиради, ақлни пешлайди.

4. Кроссворд англаш ва фаҳмлаш қобилиятини ривожлантиради.

5. Кроссворд сўз бойлигини оширади.

6. Кроссворд изланувчанликни вужудга келтиради.

7. Кроссворд интеллектуал салоҳиятни кенгайтиради.

8. Кроссворд мустақил фикрлаш кўникмасини ҳосил қилади ва шакллантиради.

9. Кроссворд бўш вақтни мазмунли ўтказиш имконини беради.

II. Ўқитувчи учун:

1. Кроссворд ўқув жараёнида талабаларнинг олган билиминини аниқлашнинг барча назорат босқичларида (жорий, оралиқ ва якуний назорат босқичларида) қўлланиши мумкин.

2. Кроссворддан талабаларнинг мустақил билим олишини ташкил қилишда фойдаланиш мумкин. Масалан, ўқитувчи тузган кросс-вордлардан талабалар мустақил ёки биргаликда таълим олишларида фойдалансалар бўлади. Шунингдек, талабалар ўзлаштириши керак бўлган мавзу бўйича мустақил равишда кроссворд тузиш топшириғини бажариши ҳам мустақил билим олишнинг бир турини ташкил этади.

3. Кроссворд барча фанлар бўйича тузилиши мумкин.

Кроссворднинг юқорида келтирилган жиҳатлари ЗПТда қўлланиши учун тўлиқ асос бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Қуйида жорий назоратда кроссвордни қўллаш бўйича услубий тавсияни келтирамиз:

айни шу кунгача ўтилган мавзулар бўйича тузилган кроссворд талабаларга тарқатилади ва уларга катакларни тўлдириш учун 5 дақиқа вақт ажратилади. Талаба кроссворд катакларини мумкин қадар тўлдиради ва у тўғри деб ҳисоблаган жавоблар сонини қоғоз четига ёзиб қўяди. Ўқитувчи талабаларнинг жавобларини кўриб чиққач, тўғри жавобни кроссворднинг ечими кўринишида (яъни, кроссворд катаклариди) эълон қилади. Бу ишни техник восита – проектор ёрдамида экранда намойиш этирилиши яхши самара беради. Талаба бир дақиқада ўз жавобининг тўғри ва хато жойларини англаб етади ва бу машғулот мавзуга оид билимни талаба хотирасида узок вақт сақланиб қолишига олиб келади.

Кроссворд ёрдамида талаба билимини текширишнинг бу усули ўқитувчига аудитория дарси вақтидан унумли фойдаланишга ва талабанинг таълим олишдаги фаоллигини оширишга имкон беради. Бирданига амалга оширилган бундай назорат тури талаба учун ҳам қизиқарли ҳамда шу кунгача эгалланган назарий ва амалий билим кўникмаларни қанчалик эгалланганлигини, ўзига ишончини, зеҳнини яна бир марта синаш имконини беради.

Кроссворд ёрдамида талабаларнинг мустақил таълим олишларини ташкил қилишни қуйидагича амалга ошириш мумкин:

- *талаба ўқитувчи томонидан уйда машқ қилиш учун берилган кроссвордларни мустақил ечиб, ўз билимини ошириши мумкин. Бу машқ пайтида талаба адабиётлардан ва бошқа манбалардан фойдаланиши имкониятига эга;*

- *ўқитувчи томонидан берилган кроссвордлардан бир нечта талабалар биргаликда фойдаланиб, ўз билимларини оширишлари мумкин. Бундай машғулот талабалар орасида эркин баҳс-мунозара, ўзаро бир-бирини синаш билан ўйин кайфиятида ўтади. Натижада билим осон ва мустаҳкам эгалланади.*

• *Талабага мустақил кроссворд тузиш топшириги бериш мумкин. Бундай топшириқ талабани мавзуга оид адабиётларни кўриб чиқишга ва ўз устида мустақил ишлаш кўникмасининг шаклланишига олиб келади.*

2.8. Кейс таълим технологиясида муаммонинг асосий вазифалари

Республикамизнинг ҳозирги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тамойиллари жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиш учун маънавий салоҳиятимизни ва иқтисодий кудратимизни янада ошириш, уларни XXI аср илмий-техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган тарзда қайта қуришни талаб қилади. Бунинг учун ёшларимиз дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг билим ва маънавиятларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш зарур.

Бугун жамият таълим масканлари олдида: махсус қобилиятини уларнинг мустақил билишларини мақсадга мувофиқ равишда ривожлантиришни вазифа қилиб қўйди.

Ана шу вазифаларни ҳал этишда кейс таълим технологиясида муаммоли маълумотлар банкини яратиш технологияси етакчи ўринни эгаллайди.

Муаммоли таълим – бу мантиқий фикрлаш жараёни (таҳлил, умумлаштириш) ва ўқувчиларнинг изланишли фаолияти қонуниятларини (муаммоли вазият, билишга қизиқиш, эҳқтиёж) ҳисобга олиб тузилган таълим ва ўқитишнинг илгари маълум бўлган усулларини қўллаш қоидаларининг янги тизимидир. Шунинг учун ҳам муаммоли таълим кўпроқ ўқувчи фикрлаш қобилиятининг ривожланишини, унинг умумий ривожланиш ва эътиқодининг шаклланишини таъминлайди. Дидактиканинг барча ютуқларини истисно қилмай, балки улардан фойдаланган ҳолда муаммоли таълим илмий билим ва тушунчаларни, дунёқарашни шакллантириш, шахс ва унинг интеллектуал фаоллигини ҳар томонлама ривожлантириш воситаси сифатида ривожлантирувчи таълим бўлиб қолади.

Муаммоли таълим назарияси ўқувчи интеллектуал кучининг ривожлантирувчи таълимни ташкил қилишнинг психологик – педагогик йўллари ва усуллари тушунтиради.

Муаммоли вазиятларнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш ўқувчи фаол фикрлаш фаолиятининг психологик-педагогик қонуниятларини изчил равишда ҳисобга олиш асосида ўқув жараёнини қайта қуриш ғоясига олиб келди. Янги педагогик фактларни назарий жиҳатдан мулоҳаза қилиб кўриш асосида муаммоли таълимнинг асосий ғояси аниқланади: муаммоли таълимда билимнинг деярли катта қисми ўқувчиларга тайёр ҳолда берилмайди, балки ўқувчиларнинг томонидан муаммоли вазият шароитларида мустақил билиш фаолияти жараёнида эгаллаб олинади.

Маълумки, шахснинг ҳар томонлама ва гармоник ривожланишининг муҳим кўрсаткичи – юқори даражада фикр юритиш қобилиятининг мавжудлигидир. Агар таълим ижодий қобилиятни ривожлантиришга олиб борса, у ҳолда уни сўзнинг замонавий маъносида ривожланувчи таълим деб ҳисоблаш мумкин.

Ривожланувчи таълим деб, яъни умумий ва махсус ривожланишга олиб келадиган шундай таълимни ҳисоблаш мумкинки, унда ўқитувчи фикр юритишнинг қонуний ривожланишни билимга таянган ҳолда, махсус педагогик воситалар ёрдамида ўз ўқувчиларини фан асосларини ўрганиш жараёнида фикрлаш қобилияти ва билиш эҳтиёжини шакллантиришга оид мақсадга йўналтирилган иш фаолиятини олиб боради.

Кейс таълим технологиясида муаммоли ўқитиш методикасини қўллаш учун ўқитувчи қуйидаги масалаларни ҳал қилиши лозим:

1. Кейс ўқув дастури бўйича мавзуларни муаммоли шаклда тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш;
2. Мавзу матнидаги масалалар бўйича муаммоли вазиятни келтириб чиқарадиган саволлар, топшириқларни аниқлаш, бунда дидактиканинг илмийлик, тизимлилик, мантиқий кетма-кетлик, изчиллик принципларига амал қилиш;

3. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва бошқаришни таъминлайдиган восита ва усулларини аниқлаш, улардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш йўллариини белгилаши зарур.

2.9. Таълим жараёнида масофавий таълим тизимларидан фойдаланиш

Деярли ҳар дақиқада сайёрамизнинг турли бурчакларида ўзгаришлар, янгиланишлар ва кутилмаган воқеа ҳодисалар содир бўлмоқда. Ҳар бир кунимиз кучли информация оқими остида кечмоқда. Информация оқими бизни уйда, ишхона ва таътилда таъқиб этади. Инсон информация таъсиридан холи нормал фаолият юрита олмайди. Хаётни англаш, уни ўрганиш информацияларни йиғишва ўзлаштириш оркали кечади. Инсоннинг билимлилик даражаси ҳам маолум давр ичида шахс томонидан ўзлаштирилган информацияларнинг кўп ёки озлиги билан белгиланади. Шунинг учун замонавий билимлар сари кенг йўл очиш таолимотни такомиллаштиришда янги информация технологиялардан унумли фойдаланиш бугунги куннинг талабига айланди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни ҳам зиммамизга шу маосулиятни юклайди.

Коллеж таълим тизимида масофадан ўқитиш услуби шакллари кўлланилмоқда. Масофадан ўқитиш услуби бу сиртки ўқишнинг янги шаклидир. Масофадан ўқитиш бу мустакил ўқишдир. Мустакил ўқиш инсоннинг мустакил фикрлаш, холатни баҳолаш, хулоса ва башорат қилиш қобилиятларини ривожлантиради. Масофадан ўқитишнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда ўқувчи ўзига қулай вақтда ва ҳаттоки ишдан ажралмаган ҳолда ўқиши мумкин. Айнан шу афзалликлари туфайли бу услуб дунёда ҳозирги кунда кенг тарқалган. Кўпгина йирик корхоналар мутахассислари малакасини ошириш ёки ўзгартириш учун шу услубдан фойдаланиб, йилига миллионлаб долларларни тежамоқдалар.

Масофадан ўқитишнинг яна бир афзаллик томони унда ўқиш муддатини ўқувчи ўзи белгилайди, яони талаба ихтиёрий пайтда ўқишни бошлайди,

материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштиради. Ўзлаштириш топшириқларни, тестларни бажаришига қараб аниқланади. Ўқувчи берилган программани қанчалик тез ўзлаштиради, шунчалик тез ўқишни тугатади ва гувоҳнома олади. Дастурни ўзлаштира олмас, унга муваффақият қилиб, ўқишни қўлиб қўйишга имконият берилмайди.

Масофадан ўқитишда одатда ишлаётганлар, оналар, ўқиётганлар бирор мутахассисликни эгаллаш ёки малақаси ИИ ошириш мақсадида ўқийди. Бу услуб ногиронлар учун жуда қулайдир. Масофадан ўқитишда хаттоки махбуслар ҳам ўқиш имконига эга.

Масофадан ўқитиш айниқса ривожланаётган мамлакатлар учун иқтисодий қулайдир.

Коллежда масофадан ўқитиш ташкилий иқтисодий афзалликларга ҳам эга. Масофадан ўқитиш учун талабалар учун аудиториялар, ётоқхоналар зарур эмас. Масофадан ўқитишда молиявий харажатлар асосан ўқув услубий материаллар тайёрлаш учун, махсус аудиториялар учун сарфланади. Бу харажатларнинг асосий қисми бу жараёнда ташкил этиш босқичида сарфланади. Кейинчалик молиявий харажатлар қамаяди. Шунинг учун талабалар сонини ошириш билан ўқиш нархи ҳам пасаяди. Масофадан ўқитишда асосий эҳтиборни ўқув услубий материалларни тайёрлашга қаратиш даркор. Чунки ўқув услубий материалларнинг сифати масофадан ўқитиш сифатининг энг асосий омилларидан биридир. Ўқув услубий материал қанчалик тушунарли ва батафсил бўлса, шунчалик у ўқувчига фойдали бўлади. Яъни материал услубий жиҳатдан пухта бўлмоғи зарур.

3. ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР МАЖМУАСИ

3.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш амалиёти ва унда тижорат банкларининг ўрни ҳамда кредитлашнинг назарий асослари

Қишлоқ хўжалиги дунёнинг кўпчилик мамлакатларида, шу жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларда миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлганлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги, қишлоқ хўжаликларини давлат томонидан тартибга солиш заруриятининг мавжуд эканлиги қишлоқ хўжаликларини молиялаштириш масаласини, шу жумладан банклар томонидан кредитлаш масаласини илмий изланиш объекти сифатида қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинишига сабаб бўлди.

Айни вақтда, қишлоқ хўжаликларини кредитлаш амалиёти мамлакатлар кесимида бир-биридан тубдан фарқланади. Масалан, Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида қишлоқ хўжаликлари ЕИ бюджети ва махсус ташкил этилган фондлар маблағлари ҳисобидан фаол тарзда субсидияланади. Бунинг натижасида қишлоқ хўжаликларининг пул оқими сезиларли даражада барқарорлашади ҳамда ушбу ҳолат кредитларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтиши нуқтаи-назаридан тижорат банклари учун муҳим ижобий ҳолат бўлиб ҳисобланади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг кўпчилигида қишлоқ хўжаликларини субсидиялаш амалиёти мавжуд эмас. Бу эса қишлоқхўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши натижасида қишлоқ хўжаликлари пул оқимининг нобарқарорлигига олиб келади. Бундай шароитда банклар учун кредит таваккалчилиги кучаяди. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини банклар томонидан кредитлашнинг назарий-услубий асосларида ҳам жиддий фарқланишлар кузатилади. Биз қуйида мазкур фарқланишлар хусусида фикр юритамиз.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Э.Шодмонов томонидан республикада аграр соҳа корхоналарини молиялаштиришда тижорат

банкларининг ўрни, аграр соҳа корхоналарини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган. Ушбу муаллиф фикрича, “пахта ва ғалла экин майдонлари ҳудудлар бўйича турлича жойлашган, шунингдек, уларнинг иқлим шароитлари ҳам турличадир. Табиийки, уларнинг етиштирилиши, яъни вегетация даври ҳам ҳудудлар бўйича бир хил эмас”. Муаллиф томонидан пахта ва ғалла етиштирадиган қишлоқ хўжалик корхоналарини банклар томонидан имтиёзли кредитлашда мазкур ҳолатларни ҳисобга олишнинг зарурлиги асослаб берилган.

Э.Шодмоновнинг ушбу таклифи илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ кредитлар агротехник тадбирлар муддатидан келиб чиққан ҳолда, пахта ва ғалла қийматининг маълум фоизигача берилади; иккинчидан, кредит миқдорини аниқлаш учун амалдаги харид нархлари асос қилиб олинади.

Шуниси характерлики, кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида, шу жумладан МДХ мамлакатларида қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредит тўловига лаёқатлилиги паст даражада эканлиги кузатилмоқда. Бундай шароитда қишлоқ хўжалик корхоналарининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини ошириш муаммоси юзага келади. Ушбу муаммони ҳал қилишда асосан уч хил ёндашув мавжуд:

1. Ҳукумат Давлат бюджетининг маблағлари ёки махсус ташкил этилган давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали фермер хўжаликларини кредитлашни таъминлайди. Бундай ёндашувда тижорат банклари молиявий воситачи сифатида пассив рол ўйнайдилар ва одатда кичик миқдордаги маржа эвазига қишлоқ хўжаликларини кредитлашни амалга оширадилар.

2. Давлат тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжаликларига берилаётган кредитлар бўйича юзага келадиган кредит рискани тўлиқ ўз зиммасига олади. Берилган кредит ўз вақтида қайтмай қолган ҳолатда кредитнинг асосий қарз суммаси ва унга ҳисобланган фоизлар бўйича юзага келган қарздорлик суммаси давлат томонидан тижорат банкларига тўлаб берилади.

3. Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжаликларига нисбатан паст фоиз ставкаларида имтиёзли кредитлар берилади. Имтиёзли кредитнинг фоиз ставкаси билан банк кредитларининг бозор ставкаси ўртасидаги фарқ суммаси давлат томонидан тижорат банкларига тўлаб берилади.

Халқаро амалиётда учинчи ёндашувнинг нисбатан самарали эканлиги ўз исботини топди. Яъни, кредитнинг қайтиш даражасини ошириш, тижорат банкларининг кредит портфелида қишлоқ хўжалиги кредитларининг барқарор салмоғини шакллантириш имкони юзага келди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлаш масаласи қатор хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Д.Макнотон “Ривожланаётган бозорларда банк муассасалари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги корхоналарини бўлғуси ҳосилни гаровга олиш йўли билан кредитлаш уларнинг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширади, деган илмий хулосани асослаб берган². Фикримизча, Д.Макнотоннинг ушбу илмий хулосаси ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг аксариятида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслик муаммоси мавжуд; иккинчидан, бўлғуси ҳосилни фьючерс шартномалари асосида қатъий белгиланган баҳоларда сотиш имконияти мавжуд; учинчидан, бўлғуси ҳосилни суғурталаш тартибини такомиллаштириш орқали қурғоқчилик, табиий офат туфайли

²Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Том I – Вашингтон: ИЭР МБРР, 1993. – с. 73-75.

ҳосилга зиён етган тақдирда ҳам берилган кредитни суғурта компаниясидан ундириш мумкин.

Кредитлаш механизмининг муҳим элементларидан бири кредитлаш шакллари ҳисобланади. Шу сабабли тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarини кредитлашда кредитлаш шаклларида комплекс фойдаланиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда республикамизнинг қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи йирик тижорат банклари – Акциядорлик тижорат “Халқ” банкларнинг кредитлаш амалиётида асосан кредитлашнинг бир мартабалик шаклидан фойдаланилмоқда. Кредитлашнинг ушбу шаклида қишлоқ хўжалиги корхоналари алоҳида ссуда ҳисоб рақамидан кредит суммасини бир марта тўлиқ ўтказиб бериш йўли билан кредитланади. Ушбу шаклга бир қатор камчиликлар хос бўлиб, улардан асосийлари, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

- миждоз ҳар сафар кредит сўраб банкка мурожаат қилишга мажбур бўлади;

- мол етказиб берувчилар томонидан шартнома шартлари бузилганда, яъни товарлар етказиб бериш кечиктирилганда ёки товар умуман етказиб берилмаган тақдирда кредит олган хўжалик субъектининг молиявий ҳолатига нисбатан кучли салбий таъсир юзага келади. Чунки миждоз маҳсулот ёки хомашёни ололмайдди, кредит учун фоизлар эса ҳисобланаверади;

- берилган кредитнинг мақсадли ишлатилиши устидан олиб бориладиган назоратнинг таъсирчанлик даражаси паст бўлади.

Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида кредитлашнинг контокоррент ва форфейтинг шакллари мавжуд эмас, овердрафт шакли эса ривожланмаган. Бу эса ўз навбатида кредитлаш механизмининг самарадорлигини оширишга сезиларли даражада тўсқинлик қилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун капитал доиравий айланишининг нисбатан қисқалиги хос. Масалан, пахта, ғалла етиштиришда капитал доиравий айланишининг унумли капитал билан боғлиқ бўлган даври

нисбатан узоқ бўлиб, мазкур давр мобайнида уларнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжи ошиб боради. Бу эса нафақат бериладиган кредитнинг миқдорига, балки кредитлаш шаклини танлашга ҳам таъсир кўрсатади. Пахта ва ғалла ҳосили йиғиштириб олиниб, улар сотилгунга қадар қишлоқхўжаликлари фақат харажат қилади. Шуниси характерлики, харажатларнинг ошириб бориши давр жиҳатидан ҳам, миқдорий жиҳатдан ҳам нобарқарордир. Бу эса танланган кредитлаш шаклининг қишлоқ хўжаликлари учун имконият қадар кам харажатли бўлишини тақозо этади. Шу жиҳатдан олганда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун кредитлашнинг кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш шаклидан фойдаланиш бошқа кредитлаш шакллари билан фойдаланишга нисбатан самарали ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, кредит линияси очиш йўли билан кредитлашда кредитлаш ҳажми белгилаб қўйилади ва қишлоқ хўжалиги ҳар сафар кредит сўраб тижорат банкка мурожаат қилиш заруриятидан халос бўлади; иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ҳақиқатда юзага келган харажатни кредит ҳисобидан тўлаш имкониятига эга бўлади; учинчидан, қишлоқхўжалиги корхонаси турли сабабларга кўра кредитлаш лимитининг ишлатилмай қолган қисми учун фоиз тўламайди. Бу эса унинг банк кредити билан боғлиқ бўлган фоиз тўловлари миқдорини камайтириш имконини беради. Кредитлашнинг бир мартабалик тўлов шаклидан фойдаланилганда, кредит суммаси бир марта тўлиқ суммада тўлаб берилади ва кредитга бўлган эҳтиёж юзага келганда корхоналар банкка ҳар бир кредит учун ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Умуман олганда, юқоридаги фикрларни хулоса қилганда:

биринчидан, қишлоқ хўжаликларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширишга нисбатан юқорида таъкидланганидек, уч ёндашув мавжуд бўлиб, айнан учинчи ёндашув, яъни банклар томонидан фермер хўжалиги корхоналарига берилган кредитларнинг имтиёзли фоиз ставкаси билан банк кредитларининг бозор ставкаси

ўртасидаги фарқни давлат томонидан тижорат банкларига тўлаб берилиши нисбатан самарали ёндашув деб ҳисобланади;

иккинчидан, қишлоқ хўжаликларига банклар томонидан берилган кредитлар бўйича юзага келадиган кредит рискинни тўлиқ давлат зиммасига юкланиши кредитдан фойдаланувчиларда лоқайдлик, масъулиятсизлик ҳиссини юзага келтиради;

учинчидан, бозор иқтисодиётигаўтиш мамлакатларида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги шароитида, бўлғуси ҳосилни гаровга олиш йўли билан кредитлаш усули мақбул усул ҳисобланади. Фикримизча, бўлғуси ҳосилни гаровга олиш қуйидаги икки шартга таяниши зарур:

а) бўлғуси ҳосил фьючерс шартномалари асосида қатъий баҳоларда сотилиши лозим;

б) қурғоқчилик ёки табиий офатлар туфайли бўлғуси ҳосилга зиён етган тақдирда берилган кредит ва унга ҳисобланган фоизлар суммаси суғурта компанияси томонидан тижорат банкига тўлаб берилиши керак.

3.2. Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усуллари ва хусусиятлари

Қишлоқхўжаликларини кредитлаш қатор молиялаштириш усуллари орқали амалга оширилади. Ҳар бир молиялаштириш усули ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли бир усул иккинчи усулнинг ўрнини тўлиқ боса олмайди.

Халқаро банк амалиётида қишлоқ хўжалигини банклар томонидан кредитлашнинг қуйидаги усуллари кенг қўлланилади:

-қишлоқ хўжалиги субъектларини банкларнинг ўз маблағлари эвазига кредитлаш;

-банк кредитлари бўйича қисман кафолатлар тақдим қилиш;

-қишлоқхўжаликларига тақдим қилинаётган кредитлар фоиз ставкасини субсидиялаш;

-Ихтисослашган қишлоқ хўжалиги муассасаларини ташкил этиш усули.

1. Қишлоқ хўжалиги субъектларини банкларнинг ўз маблағлари эвазига кредитлаши анча маъқулроқ ҳисобланади. Ушбу ҳолатда давлат субсидиялари бевосита қишлоқ хўжаликларига тўланади. Ушбу усулнинг устун жиҳатлари субсидияларни тўлаш имконияти кредитлаш муддати охирида амалга оширилиши ва ишлаб чиқарувчиларни назорат қилиш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Умуман олганда, кредит субсидиялари кредит истеъмолчиларининг ўзларига салбий таъсир ўтказди, яъни арзон кредитларга эга бўлиш ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш ва самарали ишлаб чиқариш таркибини шакллантиришни рағбатлантирмайди.

2. Банк кредитлари бўйича қисман кафолатлар тақдим қилиш усули. Ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатлар қишлоқ хўжаликлари дуч бўлаётган гаров мулки етишмаслиги муаммоси пайдо бўлган шароитда фойдаланилади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжалиги кредитларига бериладиган давлат кафолатлари муҳим роль ўйнайди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг тушиши, ер бозорининг ривожланмаганлиги аграр секторда гаров муаммосининг юзага келишига сабаб бўлади ва давлат маълум мақсадда гаров ўрнини ўз кафолатлари билан алмаштиради. Қарзлар бўйича кафолатлар фермер хўжалиги соҳасини банклар учун анчагина жозибадор қилади. Шу орқали қишлоқ хўжалигини молиялаштириш соҳасига тақдим қилинаётган кредитлар бўйича тижорат рискларини қисман ўз зиммасига олувчи молиявий муассасалар жалб қилинади, қишлоқ хўжалигига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар қисқаради ва бир вақтнинг ўзида давлат кредит учун қисман таъминотни тақдим этади.

3. Фермер хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига тақдим қилинаётган кредитлар фоиз ставкасини субсидиялаш. Кредит субсидияларининг шаклларида бири бу кредитнинг маълум қисмини бюджетдан тўлаб беришдир (Россия Федерациясида амал қилади). Аммо бир қатор хориж

мамлакатлари тажрибасида бюджетдан субсидия тўловларини амалга оширишни фермерхўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган махсус фондлардан тўловларни амалга ошириш алмаштиради.

4. Ихтисослашган қишлоқ хўжалиги муассасаларини ташкил этиш усули. жаҳондаги кўпгина ривожланган мамлакатлар амалиётида кенг қўлланилаётган ва бозор муносабатларига ўтишни амалга ошираётган аксарият мамлакатлар ташкил этишга қизиқаётган фермер хўжаликларини молиялаштиришнинг кенг тарқалган усулларида бири бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари шуни ҳам алоҳида эътиборга олиш лозимки, қишлоқхўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш зарурлиги шароитида аграр соҳани молиялаштиришнинг муқобил усули бу бошқа манбаларга нисбатан аниқ устунликларга эга бўлган лизинг ҳисобланади:

1. Лизинг объекти молиялаштириш жараёнида тўлдирувчи маблағ сифатида намоён бўлади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи аграр соҳа субъектларида зарур гаров объекти етишмовчилиги ёки умуман мавжуд эмаслиги шароитида гаров таъминоти муаммосига дуч келмайдилар.

2. Лизинг, лизинг олувчи капиталини бошқа вазифаларни бажаришга сарфланишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжаликларини ишлаб чиқариш жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда жаҳон тажрибасида, қишлоқ хўжалигини кредитлаш жараёнида фермер хўжаликларини молиявий йил цикли хусусиятларидан келиб чиқилади.

Қишлоқхўжаликларига айланма маблағларни тўлдириш учун тақдим қилинаётган кредитлар қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

- кредитлаш даври қишлоқ хўжалиги циклининг давомийлигига мос келади ва кредит келишувининг бошланиши кейинги қишлоқ хўжалиги циклининг бошланиши ҳисобланади;

- кредит, одатда, револьверли (қайта тикланувчи) ҳисобланади, жорий йил кредити қайтарилиши билан банк ва қарз олувчи ўртасидаги келишувга

кўра, кейинги йил қишлоқ хўжалик цикли учун кредит бериш ҳақида қарор қилинади;

- кредит маблағларини бериш қишлоқ хўжаликларининг фаолиятида ишлаб чиқариш эҳтиёжларига кўра амалга оширилса, кредитлаш одатда очик кредит линиялари шаклида амалга оширилади ва кредитни қайтарилиш манбаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тушган маблағлар ҳисобланади.

- кредитнинг қайтарилиш манбаси қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан тушган маблағлар ҳисобланади. Ушбу ҳолатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушадиган даромадларнинг башорат кўрсаткичлари олинadиган асосий қарз маблағлари ва фоиз тўловларидан юқори бўлсагина қарздор учун кредит олиш ҳамда банк учун кредит бериш мақсадга мувофиқ бўлади;

- асосий қарз маблағлари ва ҳисобланган фоиз ажратмалари суммасини амалга ошириш бир вақтда, яъни қарздор қишлоқ хўжалиги цикл йили охирида товар маҳсулотларини сотишдан даромад олгач амалга оширилади.

Қишлоқ хўжаликларининг рентабеллик даражасини саноат корхоналарига нисбатан сезиларли даражада паст, ишлаб чиқаришнинг мавсумий характерга эга, тайёр маҳсулот етиштириш даврининг нисбатан катта эканлиги улар айланма маблағларини тўлдириш муаммосининг чуқурлашишига сабаб бўлади. Шу сабабли уларни асосий воситаларни сотиб олишларида имкон қадар ўз айланма маблағларини кам миқдорда жалб этишлари ва тижорат банклари лизинг компанияларининг лизинг кредитларидан кенг кўламда фойдаланишлари катта амалий аҳамият касб этади.

Инвестицион кредитлар қишлоқ хўжалиги субъектларига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун узоқ муддатли қўйилмалар шаклида қуйидаги мақсадларга берилади:

- қишлоқ хўжалик техникасини (трактор, комбайн ва ҳ.к) харид қилиш;

- ер унумдорлигини ошириш учун узоқ муддатли қўйилмалар (эрозияга қарши чора-тадбирлар, ирригация ишлари ва ҳ.к.ни амалга ошириш);

- ишлаб чиқариш инфратузилмасига қўйилмалар (элеваторлар, дон сақлаш майдонлари, омборлар ва ҳ.к.).

Узоқ муддатли кредитларни бериш амалиётининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- кредит шартномаси одатда кейинги йил транши учун фоиз ставкалари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда бутун кредитлаш муддати давомида тузилади. Ушбу механизм кредитор учун қулай ҳисобланиб, уни фоиз risksдан ҳимоя қилади (капитал бозори конъюнктурасига мувофиқ кейинги инвестицион кредит транши фоиз ставкасини ҳар йили ўзгартириб бориш имкони мавжуд бўлади).

- фоиз ажратмалари йилма-йил, асосий қарз суммаси эса кредит шартномаси тугагач тўланади. Агар кредитлашнинг бошланғич йилларида ушбу фаолият тури бўйича соф молиявий тушумлар фоиз ажратмаларини тўлаш учун етарли бўлмаса фоизларнинг капитализацияси амалга оширилади, яъни асосий қарз суммасига қўшилади.

Кўпинча қисқа муддатли кредитлар ҳам, инвестицион кредитлар ҳам қарздор узоқ муддатли муносабатларни ўрнатиб келаётган банк-кредитор томонидан берилади.

Сўнги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида қишлоқхўжаликларини молиялаштириш муаммолари ва молиялаштириш схемасини мақбуллаштириш масалаларига бошқарув органлари ҳамда аграр соҳа субъектлари томонидан катта эътибор қилинмоқда. Бу қишлоқ хўжалигининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари (табiiй иқлим шароитлари, ишлаб чиқариш циклининг муддати) сабабли қишлоқ хўжалиги кредит бозори узлуксиз фаолият олиб беролмайди. Бу эса, ўз навбатида, давлат олдида ушбу соҳани назорат қилиб туриш муаммосини келтириб чиқаради. Сўзсиз, қишлоқ хўжалиги давлатнинг тўғридан-тўғри дотациялар, имтиёзли

кредитлар шаклида фаол молиявий қўллаб-қувватлашини талаб қилади. Аммо шуни ҳам эътиборга олиш жоизки, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан кредитланиши кўпинча кутилган натижаларни бермасдан турибди, бу каби кредитларнинг қайтарилиш даражаси эса пастлигича қолмоқда, молиявий муассасалар эса ушбу жараёнларда молиявий маблағлар кузатувчиси сифатида қолишмоқда. Маълумки, қишлоқ хўжалигига ажратиладиган чекланган давлат маблағлари аграр секторнинг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантира олмайди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналишида яъни иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида “Банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестициялар лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларни кредитлашни янада кенгайтириш ва кредитлардан самарали фойдаланиш”³.

Тижорат банкларининг қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тизимида тутган ўрни ва аҳамиятини ошириш мақсадида тижорат банклари ўрнини белгиловчи омилларни баҳолаш ҳамда қишлоқ хўжалигини кредитлашда иштирок этувчи тижорат банкларини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш лозим. Айниқса ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари учун қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг нисбатан самаралироқ усулларини топиш кескин муаммолардан ҳисобланади, чунки аграр тармоқни молиялаштиришнинг кўпгина чора-тадбирлари биринчи бор қўлланилмоқда ҳамда уларнинг миллий иқтисодиётга таъсирлари ўрганилмаган. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг хориж тажрибаларини ва молиялаштириш

³2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола Т-2017 й. 110-111 б

йўналишларини ўрганиш лозим. Хорижий давлатларнинг тажрибаларини ўрганишнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, айниқса ривожланган хорижий давлатларда қишлоқ хўжалигини кредитлашда жиддий, залварли ютуқларга эришилган. Шу жумладан қишлоқ хўжалигини кредитлаш жараёни жуда содалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини молиялаштиришда тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади ва улар билан бир қаторда Давлат бюджети ва махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳам фойдаланилмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалик корхоналарининг пул оқими даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

3.3. Акциядорлик тижорат Халқ банки Қашқадарё вилояти филиалида қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалдаги ҳолатининг таҳлилива унга хос бўлган тенденциялар

Акциядорлик тижорат Халқ банки Ўзбекистоннинг қадимий банкларидан бири ҳисобланади. Тошкентда бирламчи жамғарма қассалар 1875-йилда ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1995-йил 4-октябрдаги Қарорига асосан «Ўзжамғарма банк» Давлат-тижорат Халқ банки этиб қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятлари дама навий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлар итўғрисида” ги ПФ-4720-сонли Фармони га асосан банк номи “Акциядорлик тижорат Халқ банки” номи га ўзгартирилди.

Айни пайтда, Ҳукуматнинг доимий равишда қўллаб-қувватлаш итўғрисида Халқ банкининг салоҳияти на дао ши ббормоқда.

Мустақиллик йиллари да Халқ банки мамлакат иқтисодий тининг пул-кредит соҳаси да ги ислоҳотлар жараёни да Ҳукуматнинг молия агентсифати да фаолиято ли ббориб, зиммаси га юкланган масъулия тли ва зифаларни доимий равишда до этиб келмоқд

а. Банк ўз салоҳиятини барқарорлаштириш, аҳолининг ишончини қозониш, мамлакат банк хизматлари бозоридаги ўз мақеи ва ролини мустаҳкамлаш учун бар часа ʼй-ҳаракатларини сафарбар этмоқда.

Бугунгикунда,

Халқ банки Ўзбекистон банк тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади. Унинг 197 ҳудудий ватуман (шаҳар) филиаллари, 33 тамини-банк ва 1 000 дан ортиқ жамғарма ва маҳсулларни қўшиб олиб, реал секторига кичик бизнес субъектлари ва аҳолига кенг қамровли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Халқ банкининг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистоннинг кекса фуқароларини нафақалар билан ўз вақтида таъминлашдани борат.

Ўзбекистон Республикаси

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида» ги Қонунига асосан фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти га қўшимчатарик асида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизим иё лга қўйилган. Халқ банк ягона, ўз филиалларини бир-бири билан боғловчи ва етарлича ҳимояловчи электрон база яратиш учун кўпишларни амалга оширди

Халқ банки жамоаси доимий равишда ўз олди га янги стратегик мақсад ва вазифаларни қўйиб келади.

Айни пайтда мазкур қадамми жозлар га хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги даража сизгачи қишга, рақобат бардош позиция га эришишга, инвестицион жоз бадорлик нитаъминлашга, бошқарув ва технологик жараёнларни модернизациялаш ҳисобига молия хизматлари бозорида қатор кўрсаткичлар бўйича пешқадам позицияни эгаллашга хизмат қилмоқда

Банк акциядорлари:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (51%);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (49%).

Банкнингрейтинглари: Халқаро рейтинг агентлиги «**Standard & Poor's**» томонидан 2017-

йил август ойида Халқбанкининг узок муддатли ва қисқа муддатли кредитлаш рейтингини **Б/Б, «Барқарор»** деб тасдиқлади;

«**Ахбор-Рейтинг**» банкнинг рейтингини миллий шкала бўйича «**узА**» , «**Барқарор**» прогнози билан 2017-йили июнь ойида тасдиқлади.

Ҳозирги кунда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш Жамғармаси, тижорат банклари, нобюджет фондлар, кредит уюшмалари ҳамда хорижий кредит линиялари маблағлари республика миқёсда қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва кредитлаш манбалари ҳисобланади.

Молиявий маблағлар асосан 5 йўналишда ишлатилмоқда:

- сув хўжалигини сақлаб туришга;
- ирригация ва мелиорация ишларини молиялаштиришга;
- давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харидини молиялаштиришга;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш амалиётини молиялаштиришга;

- лизинг операцияларини молиялаштиришга. Айниқса, кейинги йилларда республика миқёсда лизинг операцияларини тижорат банклари томонидан кредитлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рентабеллик даражаси пастлиги натижасида уларнинг қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиш учун молиявий имкониятларга етарли даражада эга эмаслиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига тижорат банклари орқали берилаётган кредитларнинг асосий қисмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилаётган кредитлар ташкил қилмоқда.

Бошланишида ушбу тизим тижорат банкларига маблағларни мақсадли ишлатилишини назорат қилиш йўли билан бўнак маблағларининг қайтарилишини таъминловчи самарали тизим сифатида қаралди. Аммо, ушбу механизм узоқ қўлланилиши давомида уни бозор шароитларида самарали фаолият олиб бора олмаслигини ифода қилиб берувчи бир қатор омиллар аниқланди.

а) бўнак маблағлари мақсадли ҳисобварақларга барча хўжаликлар учун мулк шаклидан қатъий назар бирлашган траншлар шаклида келиб тушади, бунда у ёки бу хўжаликнинг технологик хусусиятлари ва ишлаб чиқаришнинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинмайди. Натижада пул тушумлари келиб тушишининг муддати ва суммалари ҳамда тўлаб бериш муддати ва суммалари ўртасида тафовут вужудга келади.

б) транш маблағларининг мақсадлилиқ тавсифига эга эканлиги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маблағларни ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тақсимлай олмаслигини келтириб чиқаради.

в) тижорат банкларининг молиявий воситачи сифатидаги роли пасаяди, улар зиммасига мақсадли ҳисобварақларга хизмат қилиш ҳамда бўнак маблағларининг қайтарилишини таъминлаш вазифалари юклатилади. Республикамиз тижорат банкларида барқарор молиявий ресурслар етишмаслиги муаммосининг мавжудлиги уларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш имкониятини кескин чегараламоқда.

г) қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, қишлоқ хўжалигига ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчиларга хизмат кўрсатувчи тармоқларда рақобатни кучайтириш секинлашмоқда, сабаби давлат харидини молиялаштириш тизимида ҳисоб-китоблар фақат маълум бир етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчилар билангина олиб борилади.

Биз қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикамиз тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқ таркибини таҳлил қиламиз.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, тижорат банкларининг қишлоқ хўжалигига тақдим қилган кредитлари, миқдори

бўйича, кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида тўртинчи ўринни эгаллайди.

Бу эса, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бўлишига қарамасдан, республикада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун банклар томонидан етарли даражада кредитлаш амалиётининг ривожланмаганлигидан далолат беради.

Бу ҳолатнинг айрим сабаблари республикамиз олимларининг бир қатор илмий изланишларида ўз ифодасини топган. Масалан, Э.Шодмонов тижорат банкларининг қишлоқ хўжалиги корхоналарига берган кредитлари миқдорининг бошқа тармоқ корхоналарига берган кредитларига нисбатан сезиларли даражада кам эканлигининг икки сабаби мавжудлигини эътироф этади:

1) қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида кредит учун таъминот вазифасини бажара оладиган юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги;

2) қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сезиларли қисмининг кредит тўловига лаёқатлилик даражасининг паст эканлиги.

Келтирилган маълумотларнинг кўрсатишича, таҳлил қилинаётган давр мобайнида тижорат банкларининг қишлоқ хўжалигига тақдим қилган кредитлари тижорат банкларининг умумий кредит қўйилмаларидаги салмоғи ўсиш суръатига қарамай, қишлоқ хўжалиги кредитларининг даражаси пастлигича қолган. Бу эса қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

- қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кўпгина қисми кредитга лаёқатсиз ҳисобланади;

- кўпгина қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида юқори ликвидли гаров объекти мавжуд эмас;

- қишлоқ хўжалигини молиялаштириш амалиётида тўловларнинг мақсадли тартиби қўлланилади;

- ҳозирга қадар солиққа тортишда бўнак тўловлари тартиби қўлланилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолати, меҳнат унумдорлиги даражаси ҳамда минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари ва моддий техник ресурслар нархи ўсиб бораётган бир пайтда қатъий белгиланган харид нархлари хўжаликлар дебитор-кредитор қарздорликларининг ўсишига олиб келмоқда. Молиялаштириш механизмини таҳлил қилишда лизинг операциялари алоҳида эътибор талаб қилади. Лизинг асосий воситалар сотиб олишни узоқ муддатли молиялаштириш шаклларида бири бўлиб, у эскирган машина трактор парклари (МТП) фондини алмаштириш муаммосининг самарали ечими бўла олади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболда қишлоқ хўжалигини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Улар нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, балки уларни чуқур қайта ишлаш, аҳолига турли ишлар ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланиш мақсадга мувофиқ. Бу уларнинг молиявий молиявий барқарорлиги ҳамда туловга қобиллигини мустаҳкамлаб рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради. Республикада кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда”⁴Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигининг истиқболдаги ривож мамлакатдаги фермерлар ҳаракатининг ривож билан чамбарчас боғлиқ.

Тижорат кредитлаш қишлоқ хўжалигида харажатларни молиялаштириш амалиётига чек қўйилишига, қишлоқ хўжалиги корхоналарида ликвидли ресурслар етишмаслигини камайтиришга ёрдам беришга, моддий ва молиявий ресурсларининг нисбатан самарали ишлатилишига ҳамда қишлоқ хўжалигида тўловларни амалга

⁴2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола Т-2017 й. 136-137 б

оширилмаслиги ҳажмини камайтиришга имкон беради. Бунинг натижасида хўжалик субъектларининг пул оқими кучаяди.

Тижорат банкларининг кредитлари корхоналар фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари сонининг ошиши унинг самарадорлигини ошишига ва шунинг асосида тижорат банклари кредитларига фермер хўжаликлари томонидан бўлган талабнинг ошишига олиб келди.

Тижорат банклари қишлоқ хўжалиги корхоналарига берган кредитларининг муддатига кўра таркибини баҳолаш уларни кредитлаш амалиётининг моҳиятини тўлароқ очиб беришга хизмат қилади (3.3.2-жадвал).

3.3.2-жадвал

Халқ банки Қашқадарё вилояти филиали томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитларнинг муддатига кўра таркиби (жамига нисбатан фоизда)

| Кўрсаткичлар | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2017 йил 2015 йилга нисбатан ўзгариши, (+;-) |
|-----------------------------|---------|---------|---------|--|
| 1. Қисқа муддатли кредитлар | 65 | 61,5 | 69,2 | +4,2 |
| 2. Узоқ муддатли кредитлар | 35 | 38,5 | 30,8 | -4,2 |
| Берилган кредитлар жами | 100,0 | 100,0 | 100,0 | ** |

Кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш кредитлаш жараёнини ташкил этишнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлашда уларга берилган кредитларнинг таъминоти даражаси ва таркибини таҳлил қилиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Шунингдек, кредитларнинг таъминоти таркибида учинчи шахсларнинг кафиллиги ва кўчмас мулк ҳам мавжуд. Аммо бўлғуси ҳосил, суғурта полиси каби муҳим кредит таъминоти объектлари мавжуд эмас. Ривожланган хорижий давлатларнинг амалиётида суғурта полислари ва бўлғуси ҳосил

тижорат банкларининг қишлоқ хўжалиги корхоналарига берадиган кредитлари учун муҳим гаров таъминоти вазифасини ўтайди.

Кредитларнинг фоиз ставкалари қишлоқ хўжалиги корхоналари тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятининг чегарасини кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди. Банк кредитлари фоиз ставкалари даражасининг юқори бўлиши корхоналарнинг кредитлардан фойдаланиш имкониятининг чегарасини торайишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг фаолиятида мавсумийлик омилининг сезиларли эканлиги, уларнинг кўпчилигида рентабеллик даражасининг пастлиги, инвестицион кредитлардан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги асосий воситалар сотиб олишда тижорат банкларининг лизинг кредитларидан фойдаланиш заруриятини юзага келтиради. Лизинг кредитлари қишлоқ хўжалиги корхоналарига пул маблағларининг сезиларли даражада камайишига йўл қўймасдан туриб, асосий воситалар харид қилиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизнинг йирик тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитлар йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Айни вақтда, мазкур банкларнинг кредитлаш салоҳияти паст эканлиги, қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлашда гаров муаммосининг мавжудлиги ва кредитлаш шаклларида тўлиқ фойдаланилмаётганлиги кредитлаш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

3.4. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти

Республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштиришда сезиларли муаммолар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Тижорат банкларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлашдан манфаатдорлигини кучайтириш учун етарли шарт-шароитларнинг тўлиқ шакллантирилмаганлиги.

Ривожланган индустриал мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлаш амалиётининг тажрибаларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, тижорат банкларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлашдан манфаатдорлигини оширишнинг муҳим зарурий шарт-шароитларидан бири давлат томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитлар бўйича кредит ва рискинни камайитиришнинг молиявий қўллаб-қувватланиши ҳисобланади. Демак, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитларнинг фоиз ставкасини субсидиялаштирилиши мазкур корхоналарнинг кредитни қайтариш имкониятини оширади.

Тижорат банкларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлашдан манфаатдорлигини оширишга хизмат қилувчи зарурий шарт-шароитлардан яна бири Марказий банк томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан селектив кредитлаш тартибининг қўлланилиши ҳисобланади.

- Марказий банк томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан эмиссия қилинган тратталарни нисбатан паст дисконт ставкасида қайта ҳисобга олиниши уларнинг дисконтли кредитлар олиш ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради;

- танланма кредитлашни амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаётган банкларнинг жорий ликвидлигини таъминлаш учун қулай имконият юзага келади.

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги.

Халқаро банк амалиётида машина ва ускуналар юқори ликвидли гаров объектлари ҳисобланмайди. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлашда гаров муаммоси мавжуд.

Халқаро банк амалиётида юқори ликвидли гаров объектлари мажмуига қуйидагилар киритилади:

- олтин, платина, палладий каби нодир металллар;
- ҳукуматнинг қимматли қоғозлари;
- Марказий банклар томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозлар;
- Ҳукумат томонидан кафолатланган корпоратив қимматли қоғозлар;

Ривожланган давлатларнинг банк амалиётида қишлоқ хўжалиги корхоналарини бўлғуси ҳосилни гаровга олиш йўли билан кредитлаш кенг қўлланилади. Бунинг учун эса, зарурий шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим. Ана шундай муҳим шарт-шароитларга, фикримизча, қуйидагилар киради:

- суғурта компаниялари фаолиятининг ривожланганлиги ва улар тўловга қобиллигининг таъминланганлиги. Қурғоқчилик юз берганда ёки бошқа табиий офатлар туфайли ҳосил юзага келмаган шароитда тижорат банклари томонидан бўлғуси ҳосилни гаровга олиш йўли билан берилган кредитлар қайтмаслиги мумкин. Бундай шароитда кредитни ундиришнинг муҳим манбаларидан бири ҳосилни суғурта қилган суғурта ташкилотлари томонидан тўланадиган суғурта қоплаш суммалари ҳисобланади. Аммо суғурта компанияси тўловга қобил бўлмаса, у ҳолда, улардан суғурта қоплаш суммасини ундиришнинг иложи бўлмайди. Шунинг учун ҳам суғурта компанияларининг тўловга қобиллиги қишлоқ хўжалиги корхоналарини бўлғуси ҳосилни гаровга олиш йўли билан кредитлашда муҳим амалий аҳамият касб этади.

- етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосининг барқарорлигини таъминланганлиги. Етиштирилган маҳсулотлар баҳосининг бозор конъюнктураси ўзгариши туфайли пасайиб кетиши қишлоқ хўжалиги корхоналари тушумининг камайишига олиб келади. Тушумнинг камайиши

эса корхонанинг барча молиявий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Шу жумладан корхонанинг фойдаси ҳам камаяди. Бунинг оқибатида корхонанинг кредитни қайтариш имконияти кескин пасаяди. Халқаро амалиётда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида фьючерс шартномалари тузиш усулидан кенг кўламда фойдаланилади. Фьючерс шартномалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосининг ўзгармасдан сақлаб туриш имконини беради.

3. Тижорат банклари ресурс базаси барқарорлик даражасини оширишнинг зарурлиги.

Республикамиз қишлоқ хўжалигига банк хизмати кўрсатувчи йирик тижорат банклари ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашда жиддий муаммоларнинг мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Ушбу муаммолар қуйидаги шаклларда намоён бўлди:

- тижорат банклари депозит базасининг нобарқарорлиги.
- тижорат банклари талаб қилиб олинмаган депозитларининг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъёрий даражага нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги.

4. Тижорат банкларида узоқ муддатли кредит ресурсларининг етарли эмаслиги.

Қисқа муддатли кредитлар эвазига қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тўловлар ва тушумлар ўртасидаги тафовут туфайли муддати ўтган кредитлар ҳажмининг ўсишига олиб келади (қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш циклининг мавсумийлиги билан асосланади).

Шу билан бирга, республикада қишлоқ хўжалигини кредитлашнинг ўзига хос хусусиятлари шуни кўрсатадики, тижорат кредитлашнинг устунликларига қарамай ҳозирги кунда республикамиздаги иқтисодий ўсиш жараёнида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш зарурлиги баҳс талаб қилмайдиган далилдир. Асосий масала давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қайси механизмлар воситасида амалга оширилса, қўйилган мақсадга эришиш мумкинлигидадир:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш;
- давлат маблағларидан оқилона фойдаланиш.

3.5 Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизимини ривожлантириш йўллари

Қишлоқ хўжаликларини самарали фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишида кредит билан таъминлаш тизими муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида фермер хўжаликлар фаолиятини ривожлантиришга, уларни молиявий қўллаб қувватлашга устуворлик берилиб, молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими шаклланди. Пировардида фермер хўжаликларини аграр тамоқда тутган ўрни йилдан-йилга ортиб, бугунги кунда улар қишлоқ хўжалигини асосий хусусий тадбиркорлик субъектларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда фермер хўжаликларини кредитдаш тизимининг ҳуқуқий-меъерий асослари яратилган бўлиб уларни кредитларга бўлган талаби асосан марказий бюджет, тижорат банкларининг мақсадли кредитлари, давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш бўйича ажратиладиган маблағлар, турли хил жамғармаларнинг маблағлари, кредит уюшмалари ва ҳамкорликдаги корхона ва ташкилотларнинг маблағлари, қишлоқ хўжалиги техника воситаларини лизинг асосида харид қилиниши ва ниҳоят шахсий маблағлар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш мақсадида кредит ажратиш тизими кенгайтирилиб, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқинигаровга қўйиш орқали бўлғуси ҳосилни гаровга қўйган ҳолда кредит ажратиш йўлга қўйилди.

Фермер хўжаликларига банкларнинг ўз ресурслари ҳисобидан икки турдаги яъни, тижорат ва имтиёли кредитлар ажратилмоқда.

Бироқ, ушбу йўналишда эришилган ютуқлар билан қатор камчиликлар муаммолар ва номутаносибликлар сақланиб қолмоқда. Бу эса аввалом бор

қишлоқ хўжалиги субъектларининг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, фермер хўжаликларини кредитлаш тизимида кредитлаш ва молиялаштиришни таъминлайдиган институтлар ва жамғармалар ўртасида узаро ҳамкорликнинг йўқлиги республикамиз бўйича фермер хўжаликларида чет эл грантлари ва молиявий институтлар томонидан амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларга ажратиладиган маблағлари мувофиқлаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланишни қониқарли аҳволда эмаслиги, аксарият фермер хўжаликларининг молиявий ҳолати қониқарли эмаслиги ва бошқалар.

Ушбу жараён қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш вазифасини амалга оширишда янада муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назаридан ҳам фермер хўжаликларида замонавий молия кредит муносабатларини шакллантиришда банк хизмати кўрсатиш тизимини сифат жиҳатидан такомиллаштириш ва бунда: агросаноат мажмуига замонавий молия кредит хизмати кўрсатишга ихтисослашган турли мулкчилик шаклдаги тижорат банкларининг институционал муҳитини яратиш ва кредит-кооперация уюшмалар фаолиятини ривожлантириш; кредит ажратиш тизимини соддалаштириш мақсадга мувофиқ.

Бунда давлат томонидан фоизларни субсидиялаш, фермер хўжаликлари қўйидаги шартларни бажарсагина амалга оширилиши лозим:

- ҳосилдорлик даражасининг вилоят ўртача ҳосилдорлик даражасидан кам бўлмаслиги;
- маълум бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришдаги умумий харажатлар вилоят харажатларининг ўртача даражасидан ортиб кетмаслиги;
- қишлоқ хўжалиги корхонасининг кредит бўйича фоиз ставкаларини ўз вақтида тўлаб бориши.

Ушбу талабларнинг бажарилиши самарали ишлаб чиқарувчиларни адресли қўллаб-қувватлашни таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқарувчиларини кўллаб-қувватлашнинг бу услубини амалиётга жорий этилиши қуйидаги натижаларга эришишга ёрдам беради:

- Давлат бюджети маблағларидан нисбатан самаралироқ фойдаланиш;
- тижорат банклари қишлоқ хўжалиги соҳасини кредитлаш фаолиятини кенгайтиришни рағбатлантириш;
- ишлаб чиқарувчиларни бевосита субсидиялаш услубига нисбатан кўпроқ қишлоқ хўжалиги субъектларининг кредит эҳтиёжини қаноатлантириш.

Лекин қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ресурсларга бўлган талабини таъминлаш ва тижорат банкларининг ушбу соҳани кредитлашини рағбатлантириш мақсадида ушбу масалаларни ҳал қилишнинг кўшимча механизмларини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Шунини эътиборга олиш жоизки, ҳукумат учун қишлоқ хўжалигига кредит хизмати кўрсатадиган кам сонли тижорат банклари билан ишлаш иқтисодий жиҳатдан, харажатлар мониторингини амалга ошириш чиқимларини камайтириш нуқтаи-назаридан қулай ҳисобланади. Аммо қишлоқ хўжалигини кредитлашнинг бир-иккита тижорат банкларида тўпланиши банклараро рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатади ва бу ҳолат қишлоқ хўжалигини кредитлаш жараёнига салбий таъсирни юзага келтириши мумкин. Мазкур салбий таъсир кредитлар фоиз ставкалари даражасининг ошишида, тижорат банклари фоиз маржасининг ўсиши ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналарининг муддатли депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларининг пасайишида яққол намоён бўлиши мумкин.

Ҳозирги даврда республикамизда тижорат банклари асосан ўз акцияларини аҳоли ҳамда корхоналар ўртасида жойлаштириш билан боғлиқ фонд операцияларини амалга оширмоқдалар.

Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаш ва суғурта қоплаш суммаларини ўз вақтида ундирилишига эришиш йўли билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитларнинг қайтарилиш даражасини ошириш лозим.

Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари нобарқарорлиги, маълум даврий оралиқларда уларнинг сезиларли даражада ўсиши қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятини пасайтиради. Чунки бундай шароитда банк кредитларининг фоиз ставкаси, одатда, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рентабеллигидан юқори бўлади. Бу ставкалар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, субсидиялаш ҳисобга олинган ҳолда ҳам, рентабеллик даражасидан юқори эди. Тижорат банклари фоиз ставкаларининг юқори эканлиги бир қатор объектив омилларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Ана шундай омиллардан бири қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитлар риск даражасининг юқори эканлиги ҳисобланади. Кредитнинг баҳоси ва риск даражаси ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг муҳим қоидаларидан бири шундаки, кредит рискининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг баҳоси ҳисобланадиган фоиз ставкасининг даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Албатта, қишлоқ хўжалиги корхоналари сезиларли қисми рентабеллик даражасининг паст эканлиги, қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги, улар пул оқимининг заифлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий, об-ҳаво шароитига боғлиқлиги уларни кредитлашдаги кредит риски муаммосини чуқурлаштиради. Масалан, республикамизнинг кўплаб тижорат банклари қишлоқ хўжалиги корхоналари балансидаги эски асосий воситаларни, уларнинг мажбуриятлари юзасидан учинчи шахслар берган кафиликларни кредитлар учун таъминот объекти сифатида қабул қилишмайди.

Халқаро банк амалиётида қишлоқ хўжалиги корхоналарига бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасини барқарорлаштиришда кенг қўлланиладиган усуллардан бири ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаётган тижорат банкининг устав капиталида иштирок этиши ҳисобланади. Бунинг натижасида, биринчидан, тижорат банкида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг инвестиция харажатларини кредитлаш учун зарур бўлган узоқ муддатли ресурс пайдо бўлади; иккинчидан, устав

капитали миқдорининг кўпайиши кредитлар қийматини пасайтириш имконини юзага келтиради.

Қишлоқ хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун кредит муносабатларини кенг қамровли чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилмоғи лозим. Уни амалиётга жорий этиш натижасида юқори самарали фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг сонини кўпайтиришга замин яратади.

4. НАЗАРИЙ ДАРС ЎТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

4.1. Назарий таълимни педагогик технологиянинг интерактив методларида ташкил этиш

Машғулотда танланган таълим технологиясидан ва ўқув машғулотининг лойиҳалаштирилган тузилишидан фойдаланиб ўқитувчи таълим технологиясини режалаштиради. Ўқув машғулотида таълим технологиясини режалаштириш техноклогик харита кўринишида амалга ошириш мумкин. Ўқув машғулотининг техноклогик картасига қуйидагилар киради:

- талабалар билимларини долзарблаштириш учун саволлар;
- ўқитувчи таълим жараёнида қўлланадиган чизмалар, жадваллар ва бошқа визуал материаллар;
- талабалар ўқув иши жараёнида амал қилиши лозим бўлган йўриқномалар, қоидалар (масалан, ақлий ҳужум қоидалари);
- мунозарани ўтказиш учун қўшимча саволлар ва бошқалар.

Педагогик технологияларда тақдим этиладиган материаллар ҳажми чекланмайди. Лекин улар сиғимли, яхши тузилмаланган ва график жиҳатдан чизмалаштирилган бўлиши керак

Ўқув машғулотида тайёргарлик жараёнида қуйидагиларни ишлаб чиқиш ва талабаларга таклиф этиш мақсадга мувофиқдир:

- талабалар билимларини қатъий мантиқий тизимга солиш учун назарий ахборотларнинг чизмалар, жадваллар, тузилмаланган ифодалар шаклидаги қисқача баёнини ўз ичига оладиган ўқув материаллари;
- мустақил ва гуруҳли ишлаш жараёнида амалий вазиятни таҳлил этиш ва ечишга ёки ечиш алгоритмига доир йўриқномалар;
- ақлий ҳужум, мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, тақдимотлар қоидаларига эга плакатлар/варақалар;
- Кичик гуруҳларда талабаларни ишлаш жараёнини *ўзаро баҳолаш матрицаси*.

Ўқитувчининг тайёрланиши. Педагогик технологияни ўтказувчи ўқитувчи машғулотга оддий тайёрланишдан ташқари қуйидагиларни ҳам бажаради:

- вазиятни пухта таҳлил қилади, муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва уни ҳал қилиш учун талабаларга таклиф қилиниши мумкин бўлган бир неча моделларни тайёрлайди;
- вазият ечими бўйича талабалар таклиф этадиган вариантларни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини ишлаб чиқади.
- муаммони ечиш бўйича ўзининг вариантыни тайёрлайди.

Масалани ечиш натижаларини кичик гуруҳлар томонидан тақдимотини ўтказилади. Бунда талабалар муаммоли вазият ечимининг ўз вариантыни тақдим этади, танланган ҳаракатлар йўлини изоҳлайди ва унинг оқилоналигини асослайди.

Жамоа билан ишлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Гуруҳлар таклиф этган ечимлар вариантлари муҳокамаси ўтказилади ва экспертлар гуруҳи томонидан уларнинг уларнинг ечимлари баҳолаш мезонларига мувофиқ баҳоланади. Шунингдек таклиф этилган ечимларнинг аниқлиги ва амалга оширилиши мумкинлигига биргаликда (талабалар ва ўқитувчи) баҳо берилиши ҳам мумкин.

4.2. Назарий дарс машғулотининг таълим модели ва харитаси

Мавзу бўйича машғулотнинг таълим модели жадвал кўринишида бўлиб, унда қуйидагилар акс эттирилади:

- дастлабки маълумотлар: ўқув мавзуси, вақти, талабалар сони;
- шакл (маъруза, семинар ва бошқалар) ва кўриниши (масалан, муаммоли маъруза ва бошқалар), ўқув машғулоти режаси, тузилиши, унинг мақсади, ўқув фаолиятининг кўзланаётган натижалари, педагогик вазифалари;
- танланган таълим модели: усуллар, шакллар ва ўқитиш воситалари;
- мониторинг ва баҳолашга асосланган қайтар алоқанинг йўл ва воситалари: назорат тури (ёзма ва оғзаки), назорат шакли (тезкор сўров, тест олиш, тақдимот, ўқув топшириқлари ва бошқалар).

Таълим бериш технологик харитасида таълим берувчи ва таълим олувчи фаолияти (ўқув жараёни) босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар тавсифланади. Технологик харита талабаларнинг мустақил ишларини назорат қилишга ёрдам беради.

Машғулот технологик харитасининг тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари:

Ўқув машғулотининг технологик харитаси уч қаторни ўз ичига олиб, 1-1,5-2 варақда жадвал кўринишида бажарилади: (1) ўқув машғулотининг босқичлари ва вақти; (2) таълим берувчи фаолияти; (3) таълим олувчи фаолияти.

1-босқич (5-10 дақиқагача). Ўқув машғулотига кириш.

Таълим берувчи мавзунинг номи, (маъруза) режаси билан, ўқув машғулотининг хусусияти билан (муаммоли маъруза, ўргатувчилик ўйини ва бошқалар.), мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини, ўқув машғулотининг ўқув ишларини баҳолаш меъзонлари билан таништиради.

Таълим олувчилар тинглайдилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар, ёзиб оладилар.

2-босқич (55-65 дақиқагача). Асосий маълумотларни бериш.

Таълим берувчи ўқув машғулотининг режаси тузилишга мувофиқ тузиб чиққан таълим моделини амалга оширади, кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича таълим олувчилар ўқув фаолиятини бошқаради.

Таълим олувчилар кўзланаётган ўқув натижаларга эришиш бўйича режалаштирилган ўқув ҳаракатини бажарадилар.

3-босқич (10-15 дақиқагача). Якуний – натижавий.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати. Таълим берувчи мавзу бўйича яқун ясайди, таълим олувчилар эътиборини асосийларига қаратади, бажарилган ишларни келгуси касбий иш фаолиятидаги аҳамиятини маълум қилади, гуруҳлар, алоҳида талабалар ишини баҳолайди ёки ўзаро баҳолашни

яқунини чиқаради: ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолайди; мустақил иш учун топшириқ беради.

Таълим олувчилар ўзаро баҳолашни ўтказадилар, савол берадилар, топшириқни ёзадилар.

4.3. Назарий машғулотда таълим технологияси модели ва технологик харитаси

**Мавзу: Қишлоқ хўжалигида кредит тизимидан самарали фойдаланиш
Таълим бериш технологияси модели (назарий)**

| | |
|---|---|
| Вақт: 2 соат | Талабалар сони 25 та |
| <i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i> | Назарий |
| <i>Машғулот режаси</i> | <ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш амалиёти ва унда тижорат банкларининг ўрни ҳамда кредитлашнинг назарий асослари 2. Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усул-лари ва хусусиятлари 3. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти 4. Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизими-ни ривожлантириш йўллари |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> | Шакллантириш, билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш |
| <p style="text-align: center;"><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <p>Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш амалиёти ва унда тижорат банкларининг ўрни ҳамда кредитлашнинг назарий асослари тўғрисида педагогик технологиялар асосида тушунча бериш</p> <p>Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усул-лари ва хусусиятлари бўйича муаммоли вазиятларни яратиш ва саволлар</p> | <p style="text-align: center;"><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <p>Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш амалиёти ва унда тижорат банкларининг ўрни ҳамда кредитлашнинг назарий асослари тўғрисидаги тушунчаларни қайд қиладилар, савол жавоблар асосида фаоллашадилар</p> <p>Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усул-лари ва хусусиятлари бўйича муаммоли саволларга ечим топадилар ва тақдимот қиладилар</p> |

| | |
|--|---|
| бериш | |
| Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти бўйича ўқувчилар билимларини кластер методида шакллантириш | Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти бўйича материални ўзлаштирадидлар ўрганадилар, таянч сўзлар қайд этадилар |
| Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизи-мини ривожлантириш йўллари бўйича тушунча беришда ақлий хужум усулидан фойдаланиш | Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизими-ни ривожлантириш йўллари бўйича берилган саволларга жавоб берадилар |
| <i>Таълим усуллари</i> | оғзаки, кўргазмали тушунтириш |
| <i>Таълим шакли</i> | Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш |
| <i>Таълим воситалари</i> | Ўқув-услубий мажмуа |
| <i>Таълим бериш шароити</i> | Махсус техника воситалари билан жиҳоз-ланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар |
| <i>Мониторинг ва баҳолаш</i> | Оғзаки сўров: тезкор-сўров ва бошқалар. |

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

| <i>Иш босқичлари ва вақти</i> | <i>Фаолият</i> | |
|-----------------------------------|---|---|
| | <i>Таълим берувчи</i> | <i>Таълим олувчилар</i> |
| I-босқич. Кириш (10 дақ.) | 1.1. Ўқувчилар эътиборига мавзунинг номи, мақсади ва кутилаётган натижаларни етказди. Ўқувчиларни машғулот режаси билан таништиради. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчалар, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхати берилади. 1.3. Назарий дарс машғулоти учун белгиланган баҳолаш мезонлари билан таништиради ва ўқувчиларни фаолликка чақиради | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Аниқлаштирадидлар, саволлар берадилар. Ёзиб оладилар |
| II-босқич. Асосий (60 дақ.) | 2.1. Тезкор-сўров, савол-жавоб, ақлий хужум, кластер орқали билимларни фаоллаштиради. 2.2. Маъруза машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён қилади. | Жавоб берадилар Ёзадилар Гуруҳларда |

| | | |
|--|--|---|
| | <p>2.3. Маъруза бўйича зарурий иборалар, чизмалар, схема ва жадваллар тарқатмали материал кўринишида тақдим этади.</p> <p>2.4. Маъруза материали режага мувофиқ ўтилганидан сўнг хулосаланиб, талабалар фаоллигида мустаҳкамланади.</p> | <p>ишлайдилар, тақдимот қиладилар Савол–жавобларда иштирок этадилар</p> |
| <p>III- босқич. Якуний (10 дақ.)</p> | <p>3.1. Мавзу бўйича яқун қилади, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қилади.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш меъзонларини етказади.</p> | <p>Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар.</p> <p>Савол берадилар</p> <p>Топшириқни ёзадилар</p> |

4.4. Назарий дарс ўтиш методикаси

Мавзу: Қишлоқ хўжалигида кредит тизимидан самарали фойдаланиш

Дарснинг тури: Назарий машғулот.

Дарс учун ажратилган вақт 2 соат

Дарс ўтиш жойи: Таълимнинг техник воситалари билан жиҳозланган фан хонаси

Ўқитиш услуби: оғзаки, кўргазмали-тушунтириш, интерактив методлар

Дарснинг жиҳозланиши. «Қишлоқ хўжалигида кредит тизимидан самарали фойдаланиш» мавзусида электрон дарслик, тақдимот слайдалари, ўқув-услубий мажмуа, тарқатмали материаллар, диаграмма ва жадваллар, компьютер ва проектор ва бошқа дидактик воситалар.

Назарий машғулот мақсади

- Асосий мақсади: Ўқувчиларга қишлоқ хўжалигида кредит тизимидан самарали фойдаланишни таълимнинг педагогик технологиялари ёрдамида муаммоларни яратиш, таянч ибораларни ёздириш, жадвалларни чизиш ва мавзуни пухта ўргатиш.
- Тарбиявий мақсади: Ўқувчиларга қишлоқ хўжалигида кредит тизимидан самарали фойдаланишнинг муҳим аҳамияти, зарурати ва ўрнини тушунтириш, уларни ўз касбига бўлган ижобий муносабатини шакллантириб бориш.
- Шакллантирувчи мақсад: Ўқувчиларни мавзуни мустақил равишда ўрганишга ва мавзу юзасидан яратилган муаммоларни таҳлил этишга тайёрлаш билан уларнинг ечимини топишдаги иқтисодий билимларини шакллантириш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм

Ўқув аудиториясига ўқитувчи кирганидан сўнг ўқувчилар билан саломлашади, ўқувчилар даволатини аниқлайди ва дарс хонасини машғулот ўтишга тайёргарлигини кўздан кечиради.

1. Ўқувчилар даволатини аниқлаш ва махсус журналларга қайд этиш;
2. Мавзу бўйича моддий-техник таъминотнинг мавжудлиги ва тайёрлигини текшириш.

II. Ўтилган олдинги дарсни ўқувчилардан сўраш

Олдинги дарсда ўтилган мавзусини сўраш. Сўраш қуйидаги усуллар орқали амалга оширилиши мумкин:

- а) оғзаки саволлар орқали;
- б) тест саволлари орқали;
- в) тайёрлаб келинган махсус саволларни тарқатиб.

2. Ўқувчилар билимини баҳолаш.

1. Олдин ўтилган,ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш ва мустаҳкамлаш учун топшириқлар бериш. Ўқувчи-талабаларга тафаккур қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар берилади. Бу уларга билимларни қабул қилишнинг нисбий нофаол фазасидан фаол фазасига ўтиш учун имкон яратади.

2. Педагогик технологияда ўқувчилар билимини баҳолаш

Таълим технологияси асосида ўқитишда ўқувчи-талабалар билими ва кўникмалари ўқув мақсадларига мувофиқ ҳолда мунтазам баҳоланиши керак. Баҳолаш ҳуқуқий, педагогик ва психологик тамойилларга ҳамда Давлат таълим стандартига асосланади. Баҳолаш орқали бутун материални ўрганиш жараёни ва унинг барча компонентлари мақбуллиги текширилиб кўрилади. Бу билан ўқитиш кутилаётган натижани бераётгани ёки бермаётгани аниқланади.

3. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш.

Маъруза дарсида ўтилган мавзунини ўқувчилардан сўраш муҳим аҳамиятга эга. Мавзунини мустаҳкамлашда ўтилган мавзу қисқа, равшан ва аниқ фактларга таяниб сўраш лозим. Берилган саволларга жавоб берган ўқувчиларни баҳолашда уларни айрим жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Бу жиҳатларга ўқувчиларнинг берган жавобларининг тўғрилиги, ўзини тута билиши, тушунтиришдаги нутқиға, қизиқишиға, ҳатти-ҳаракати ва фанға бўлган муносабатлари киради. Ўқувчиларни баҳолашда имкон қадар юқори балл қўйиш мақсадға молик. Бу ўқувчининг шу фанға бўлган қизиқишини, ҳурматиғни оширади ва кўпроқ ўз устида ишлашиға олиб келади.

Ўтилган мавзу ўқувчилардан сўралганда ижобий тушунтирилмаган мавзунинг асосий бандларини ўқитувчи такрорлайди, яхши тушунтирилмаган қисмлар ва муаммолар тушунтирилади ва янги мавзуга боғланади.

III. Ўтилган мавзунини янги мавзу билан боғлаш

Янги мавзунини ўтишдан олдин ўқитувчи олдинги ўтилган мавзунини такрорлаб, уни янги мавзу билан боғлашга ҳаракат қилиши лозим. Шундагина ўқувчилар янги мавзунини тушуниб олишлари осон кечади.

IV. Ўрганилаётган мавзуда тарқатмали материаллардан фойдаланиш

Ўрганилаётган янги мавзу материаллари бўйича ўқитувчи мавзу юзасидан муаммолар яратилган тарқатмали материаллар тарқатади. Мавзу бўйича тайёрланган материаллар ўқувчиларга тақдим этилади. Улар мавзу матнлари, расмлар, жадваллар, диаграммалар слайдалар шаклида бўлиши мумкин. иложи борича тайёрланган ўқув тарқатма материаллари ҳар бир ўқувчига алоҳида-алоҳида даражада бўлиши мақсадга мувофиқ. Тарқатма материалларни ташқи дизайнига алоҳида эътибор берилиши лозим. Улар оддий, тушунарли ва ўқувчининг диққатини жалб этиши ва мавзуга нисбатан қизиқишларини орттириши лозим. Бинобарин, ўрганилаётган материал ҳақида қизиқарли муаммолар берилган бўлиши лозим.

V. Тарқатмали материалдан фойдаланиш методикаси

Тарқатма материаллар – таълим олувчилар учун ўрганилаётган мавзуга оид асосий маълумотларни ўз ичига олган, ҳажми унча катта бўлмаган (1-2 варақ) ёзма ўқув материали ҳисобланади. Мазкур материаллар машғулоти қизиқарли қилиш имконини бериб, кўп ҳолларда таълим олувчилар учун мустақил равишда ўқиб чиқиб муҳокама қилиш учун мўлжалланган бўлади. Тарқатма материалларни тайёрлаш ва қўллашда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим:

1. Таълим олувчиларга ҳаддан ташқари кўп тарқатма материаллар бермаслик.
2. Сарлавҳаларни бош ҳарфлар билан ёзиш, бир машғулоти учун иккита материал зарур бўлса, уларга код-ном бериб уларни ажратиш лозим.
3. Матн шрифти 12 дан кичик бўлмаслиги керак.

4. Бир бетда 80 тадан кўп белги (харф, қавс, ундов белгиси) ишлатмасликлозим.

5. матнлар тушунарли, қисқа ва оддий бўлиши керак.

6. Варақ дизайни эътиборни ўзига тортиши керак.

Ишчи варақалар – гуруҳларда, жуфт бўлиб ва индивидуал машқлар бажаришда қўлланилади. Улар турли жадваллар шаклида бўлиб, таълим олувчилар томонидан тўлдириш талаб қилинади.

Назорат варақалари – машғулот якунида таълим олувчиларнинг ўзлаштирган билимларини текширишда қўлланилиб, улар тест саволлари, масалалар каби шаклларда бўлиши мумкин.

VI. Ўтилган мавзунини янги мавзу билан боғлаш

Янги мавзунини баён этишдан олдин ўқитувчи ўтилган мавзунини такрорлаб, уни янги мавзуга боғлаши ўқувчиларнинг янги мавзунини тез идрок қилишлари ва осон тушунишларига ёрдам беради.

VII. Янги мавзунини баён этиш

Янги мавзунини баён этишдан олдин, компьютер проектори ёрдамида мавзу ва мавзу режалари доскага проекцияланади. Мавзу ва режалар имкон борида дарснинг охиригача сақланиши мақсадга мувофиқ.

Мавзуга доир тарқатма материаллар ўқувчилар эътиборига етказилади ва дарс учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланилади.

VIII. Назарий дарс машғулотларида таълим технологиялари методидан фойдаланиш

Назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш. Таълим беришда педагогик технологиянинг интерактив усулларида фойдаланишда назарий машғулотларни қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади.

Қизиқтириш (мотивация уйғотиш). Мавзунини таълим технологияси асосида ўқитишда назарий машғулотларни қизиқарли, ҳатто дарсга тааллуқли бўлмаган маълумот билан бошлаш мумкин. Масалан, мавзу билан боғлиқ қизиқарли кашфиёт, янгилик ёки ҳикматни тушунтириш билан дарс бошланади. Бу ўқувчилар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади ва уларнинг

шу соҳага ёки кейинги дарсларда ўрганиладиган мавзуга қизиқишига ёрдам беради.

Маълумот (билим) бериш. Ўқитувчи ўқувчи-талабаларга касбий соҳаси бўйича янги материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар, ўқув суҳбатлари уюштиради, ўйин-машғулотлар ўтказди. Янги модул бирлигини ўрганишдан аввал ўтилган модул birlikлари қисқача умумлаштирилган ҳолда такрорланади.

Ўқувчи-талабаларга модул birlikига мос тарқатма материаллар берилди. Бу ўқув жараёнини осонлаштиради. Уларни модул birlikига монанд равишда бирин-кетин тарқатиш ва кўриб чиқиш учун етарли вақт ажратиш, ўқувчи-талабалар эътиборини ахборотга қаратиш учун маълумотларни овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ.

Ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш ва мустаҳкамлаш учун топшириқлар бериш. Ўқувчи-талабаларга тафаккур қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар берилди. Бу уларга билимларни қабул қилишнинг нисбий нофаол фазасидан фаол фазасига ўтиш учун имкон яратади. Ўқувчи-талабаларни гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш, мустақил равишда топшириқлар бажариш, эришган натижаларини тақдим этишга ўргатиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади.

Таҳлил ва синтезлар. Модул birlikлари таҳлил қилиш ва синтезлаш орқали ўзлаштирилади. Назарий билимларнинг амалий аҳамияти очиқ берилди. Ўзлаштирилган билимлар фаннинг бошқа соҳаларига оид маълумотлар билан синтезланади ва амалда қўлланади.

Ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин ўқувчи-талабалар ўзлари бажарган ишларни баҳолаши лозим.

Натижаларни гуруҳларда очиқ-ойдин ва самимий муҳокама қилиш ҳам ўта самаралидир.

Модулни ўрганиш охирида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши керак. Бу – ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар фаолияти натижалари, уларнинг амалга ошган ва ошмаган ишлари юзасидан мулоҳаза юритиш учун яхши имконият.

Махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитишда кўпинча бевосита ва билвосита олиб бориладиган амалий машғулотлар тавсия этилади.

Бевосита бошқариладиган маърузалар, тақдимотлар ва намойишлардан фойдаланилади. Шунингдек, машғулотларни савол-жавоблар, ўқув суҳбатлари, муаммони муҳокама қилиш асосида ташкил этиш ҳам яхши натижалар беради.

IX. Янги мавзунини мустаҳкамлаш

Дарс охирида ўқувчилар янги ўтилган мавзунини чуқурроқ тушунишлари учун қуйидагилар амалга оширилади:

1. Ўқувчилар томонидан берилган саволларга жавоб бериш;
2. Мавзу юзасидан ўқувчиларга савол бериш ва ўтилган дарсни хулосалаб яқунлаш.

X. Уйга вазифа бериш

Уй вазифаларини танлаганда, уларни ўқувчиларга топшириқ қилиб беришда, бу вазифалар ўқувчиларнинг қизиқишларига мос келиши, уларни бажаришда қийинчиликларга учрамасликлари керак. Кўпинча ўқувчиларга ўқитувчи тушунтирган материални мустаҳкамлашга оид вазифалар берилади.

XI. Дарсга яқун ясаш

Дарснинг охирида ўрганилган материаллар бўйича умумий хулосалар қилинади. Дарсга яқун ясади. Келгуси машғулотга доир тарқатма материаллар тарқатилади. Келгуси машғулотнинг мавзуси ўқувчиларга етказилади.

5. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

5.1. Амалий машғулотларни ташкил этиш шакллари

Анъанавий тарзда олиб бориладиган амалий машғулотларда 4...5 ўқувчи тайёрланиб келган материални ўқиб эшиттириш ёки гапириб бериши орқали улар тингланадиган баҳоланади. Қолган ўқувчилар фақат тинглайди, бошқача қилиб айтганда улар машғулотда пассив иштирокчи сифатида машғулотда фикр билдирмайди. Бу эса ўқувчининг келгусидаги дарс машғулотига тайёрланишида салбий таъсирини кўрсатади. Амалий машғулотда доскага чиққан ўқувчи эса келгуси дарсдаги машғулотга тайёргарлик кўрмайди. Чунки бу дарсда олдинги дарсда баҳоланмаган ўқувчилардан сўралиши ҳаммага маълум. Бу каби ташкил этилган дарсларда ўқувчиларнинг амалий машғулотдаги тайёргарлигини бугунги кун талаби даражасида деб бўлмайди. Бу каби салбий ҳолатларни олидини олишда амалий машғулотларини ноанъанавий тарзда олиб борилиши мақсадга молик. Мен амалий машғулотларни ташкил этишда «Мунозара» методини қўллашни таклиф этаяпман. Бунда ўқув аудиториясидаги парталар давра суҳбати кўрилишида, яъни доира шаклида қўйилган бўлиб, ўқувчилар бир-бирига юзма-юз ўттирадилар.

Амалий машғулот хоналари ўқув фанига мослаб жиҳозланган ва фан бўйича кўргазмали қуроллар, таълимнинг замонавий техник воситалари, хона деразаларини қоронғилатиш мосламалари ва жиҳозлари билан таъминланган бўлиши лозим. Хонани жиҳозлашда ахлоқ – ақидаларга ҳам эътибор берилади.

Амалий машғулотларига атрофлича тайёргарлик кўрилиши ва ўтказилиши лозим. Баъзи ҳолларда амалий машғулотни назарий дарсга уланиб кетиши мумкин. Амалий машғулотни ўтказишнинг турли қоидалари мавжуд бўлиб, бу бевосита ва билвосита бошқариладиган машғулотлар тўғрисида тўхталамиз.

Бевосита бошқариладиган амалий машғулотда маърузалар, тақдимотлар ва намойишлардан фойдаланилади. Буларга схемалар, видео тасвирлар ва жиҳозларнинг асл нусхалари киради. Яхши ишлаб чиқилган ўқув материаллини ўқувчилар диққат билан тинглаб, кузатадилар. Агар машғулотлар савол ва жавобларга асосланган ўқув суҳбатлари, муаммони муҳокама қилиш тарзида олиб борилса, яхши самара беради.

Билвосита бошқариладиган амалий машғулот асосан ўқувчиларга йўналтирилган бўлиб, улар тайёрланган топшириқлар воситасида матнли китобларни ўқиш мустақил ўрганиш орқали машғулот олиб бориш, бирор вазиятни ўрганиш, ўқувчининг ўзи мустақил ўрганишига туртки бериш, билимларни ўзлаштиришга туртки бериш кабилар киради.

Амалий машғулотдаги барча топшириқлар уларга олдинги дарсда тарқатма материал кўринишида тарқатилади. Топшириқни бажариб келган ўқувчилар ўз фикрларини билдирадилар. Бунда ўқитувчи пассив иштирокчи сифатида уларнинг дарсдаги фаолиятини кузатади. Улар билдирган фикрлар эътирозсиз қабул қилиниб, ўқитувчи томонидан қайд этиб борилади. Топшириқ сифатида берилган муаммо ечимларини аниқлашда ўқитувчи ўқувчилар-нинг фаоллигини оширишга қаратилган ҳатти-ҳаракатни бажаради, яъни у барча ўқувчиларни берилган топшириқ ечимини ҳал этишдаги фикрларини эшитишга ва уларни баҳолашга ҳаракат қилади.

Амалий машғулотларда ўқувчилар берилган топшириқларни маълум бир босқичда мустақил бажаришлари учун машғулот модели ва технологик карталари тузилади (5.1-жадвал).

**5.2. Амалий машғулотда таълим технологияси модели ва
технологик харитаси**

Мавзу: Қишлоқ хўжалигида кредит тизимидан самарали фойдаланиш

Таълим бериш технологияси модели (амалий)

| | |
|---|---|
| Вақт: 2 соат | Талабалар сони 25 та |
| <i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i> | Амалий |
| <i>Машғулот режаси</i> | <ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодий ва модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш амалиёти ва унда тижорат банкларининг ўрни ҳамда кредитлашнинг назарий асослари 2. Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усуллари ва хусусиятлари 3. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти 4. Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизимини ривожлантириш йўллари |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> | Шакллантириш, билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш |
| <p align="center"><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <p>Иқтисодий ва модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш амалиёти ва унда тижорат банкларининг ўрни ҳамда кредитлашнинг назарий асослари бўйича топшириқлар беради</p> <p>Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усуллари ва хусусиятлари бўйича муаммоли саволлар бериш</p> <p>Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини ўрганиш бўйича бахс-мунозара ташкил этиш</p> <p>Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизимини ривожлантириш йўллари бўйича муаммоли саволлар бериш ва жавобларни қайд этиш</p> | <p align="center"><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <p>Иқтисодий ва модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш амалиёти ва унда тижорат банкларининг ўрни ҳамда кредитлашнинг назарий асослари бўйича топши-риқларни жамоада ишлаш</p> <p>Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усуллари ва хусусиятлари бўйича муаммоли саволларга жавоб берадилар</p> <p>Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти бўйича кичик гуруҳларда ишни ташкил қиладилар ва тақдимот қиладилар</p> <p>Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизимини ривожлантириш йўллари бўйича муаммоли саволлар ечимини аниқлаб жавоб берадилар</p> |

| | |
|------------------------------|---|
| <i>Таълим усуллари</i> | Амалий, интерактив методи |
| <i>Таълим шакли</i> | Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш |
| <i>Таълим воситалари</i> | Маъруза матни, техника воситалари ва жиҳозлар |
| <i>Таълим бериш шароити</i> | Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар |
| <i>Мониторинг ва баҳолаш</i> | Оғзаки сўров: тезкор-сўров ва бошқалар. Ёзма сўров: реферат, тест ва бошқалар. |

Ўқув машғулотининг технологик харитаси (жадвал)

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият | |
|-------------------------------------|---|--|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| I-босқич. Кириш (10 дақ.) | 1.4. Амалий машғулот топшириқлари ва кутилаётган натижаларни етказди. Машғулот режаси билан таништиради. 1.5. Берилган топшириқларни мустақил бажариш бўйича адабиётлар рўйхатини айтади. 1.6. Ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар. |
| II-босқич. Асосий (60 дақ.) | 2.1. Тезкор-сўров, савол-жавоб, ақлий хужум, кластер орқали билимларни фаоллаштиради. 2.2. Амалий машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён қилади. | Жавоб берадилар Ёзадилар Гуруҳларда ишлайдилар, тақдимот қиладилар ва бошқалар |
| III- босқич. Якуний (10 дақ.) | 3.1. Амалий машғулот якунида, бажарилган топшириқлар таҳлил қилинади, келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қилади. 3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш мезонларини етказди. | Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар. Савол берадилар Топшириқни ёзадилар |

5.3. Амалий машғулотни ўтказиш методикаси

Мавзу: Қишлоқ хўжалигида кредит тизимидан самарали фойдаланиш

Амалий машғулотни ўтказишдан мақсад: Қишлоқ хўжалигида кредит тизимидан самарали фойдаланиш бўйича ўқувчиларга топшириқлар бериш ва топшириқларни кичик гуруҳларда бажариш бўйича маълумот бериш.

Машғулот ўтказиш жойи: таълимнинг техник воситалари билан жиҳозланган фан хонаси.

Машғулотнинг тарбиявий мақсади: ўқувчиларда жамоа бўлиб, Қишлоқ хўжалигида кредит тизимидан самарали фойдаланиш бўйича меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш интизомини таркиб топтириш ва махсулотлардан тежамкорлик билан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириб бориш.

Машғулот учун ажратилган вақт: 4 соат.

Машғулотнинг дидактик ва моддий таъминоти: амалий машғулот мавзусининг электрон талқини, машғулот материалига доир тақдимот слайдалари, кўргазмали куроллар, ўқув-услубий кўрсатмалар, тарқатма материаллар, кодопособиялар, компьютер ва проектор, мавзу юзасидан фойдаланиш учун адабиётлар, китоб жавонлари, интернет ва ахборот ресурслари маркази электрон кутубхонаси тармоғига уланган компьютерлар ва бошқа дидактик материаллар.

I. Ташкилий қисм

Ўқувчилар билан саломлашиш, уларнинг машғулотга тайёргарлигини, хонанинг мавзуга доир моддий таъминотини кўздан кечириш, ўқувчилар давоматини аниқлаш ва қайд этиш.

II. Ўқувчиларни амалий машғулот номи ва мақсади билан таништириш (тайёрлов босқичи)

1. Ўқувчиларга амалий машғулотнинг мавзу ва мақсади тушунтирилади. Уларга 4 соатлик амалий машғулот давомида “Қишлоқ хўжалигида кредит тизимидан самарали фойдаланиш” мавзусини ўрганишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» методидан фойланиш тартиблари тушунтирилади.

2. Ўқувчиларнинг назарий билимларини текшириш. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари бўйича ўқувчилар билимини аниқлаш мақсадида уларга саволлар берилади.

3. Машғулот топшириғини бажариш тартиби. Амалий машғулот топшириғи тарқатма материалларда баён этилиб уларга тарқатилган ва унда кўйилган муаммо ечимини аниқлашда зарурий манбалар келтирилган бўлиши лозим. Ўқувчиларга машғулот топшириғини бажаришда зарурий манбалардан фойдаланиш йўллари ва топшириқларни бажариш кетма-кетлиги тушунтирилади.

4. Ўқувчиларга амалий машғулот топшириғини маълум бир кетма-кетликда бажаришлари учун инструкцион-технологик карталар берилади. Унда иш босқичлари ва мазмуни, топшириқларни бажаришдаги ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятлари келтирилган бўлади.

III. Амалий машғулот топшириғини ўқувчиларнинг мустақил бажаришлари (амалга ошириш)

1. Ўқитувчи ўқувчиларга амалий машғулот топшириқларини бажариш бўйича зарурий маълумотлар берилади. Бунда ўқитувчи берилган топшириқлар бўйича муаммоли вазиятни вужудга келтиради. «Кичик гуруҳда ишлаш» усули мақсадни амалга ошириш воситаси эканлигини тушунтиради. Берилган муаммони баён этиш орқали муаммо ечимини излаш тўғрисида буйруқ берилади. Ўқитувчи машғулот иштирокчиларини муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундайди, улар томонидан кутилмаган мантикий фикрларнинг билдирилишига эришиши лозим.

2. Тарқатма материалларда берилган муаммо ечиш йўлларини жамоавий муҳокамада изланади, ечимлар эътирозсиз қайд этилади. Ҳар бир ўқувчи томонидан билдириладиган фикр ёки ғоялар миқдори рағбатлантириб борилади. Бу эса билдирилган фикрлар орасидан энг мақбулларини танлаб олишга имкон беради. Бундан ташқари фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги – янги фикр ёки ғояларнинг туғилишига олиб келади.

Бу тарзда билдирилган фикр ва ғоялар кичик гуруҳ ва жамоада таҳлил этилади ва аниқланган ечимларнинг мақсадга мослиги асосланади.

IV. Ўқувчилар томонидан билдириладиган фикр ва ғояларни тинглаш (ғояларни киритиш)

1. Машғулотда маъқул деб топилган фикр ва ғоялар «Кичик гуруҳда ишлаш» методида баён этилади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий фикр ёки ғояларига асосланиши ҳамда уларни ўзгартириши мумкин. Аввал билдирилган фикр (ғоя) ларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

2. Бунда ўқитувчи ғояларни магнитофон ёки видеолентага, қоғоз варағига ёки доскага ёзиб олишни ташкил қилади.

3. Янги ғояларни билдириш давом этар экан, муаммонинг ягона тўғри ечимини эълон қилишга шошилмаслик лозим.

4. Билдирилган фикрларни янги ғоялар билан бойитиш асосида уларни қувватлаш ҳамда билдирилган фикрлар устидан кинояли шарҳларнинг билдирилишига йўл қўймаслик лозим.

5. Ўқувчилар томонидан билдирилган фикр ва ғояларни баҳоланишига йўл қўйилмайди. Агарда уларнинг фикр (ғоя) лари баҳоланиб бориладиган

бўлса, ўқувчилар ўз диққатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратадилар, оқибатда улар янги фикрларни илгари сурмайдилар.

Мазкур методни қўллашдан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларни муаммо хусусида кенг ва чуқур фикр юритишга рағбатлантириш эканлигини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда уларнинг фаолиятларини баҳолаб боришнинг ҳар қандай усулидан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

V. Гуруҳ жамоаси билдирган фикр ва ғояларни таҳлил этиш

1. Ўқитувчи таклиф қилинган баҳолаш мезонларидан келиб чиққан ҳолда илгари сурилган ғоя-ларни таҳлил қилишни ташкил қилади. Бунда ўқитувчи машғулот жараёнида ўқувчиларнинг ҳар қандай фаолиятларини стандарт талаблар асосида назорат қилади. Муаммо ечимининг ягона тўғри жавоби эълон қилинади, уни мақсадга мослиги асосланади ҳамда тўғри жавоб муаллифи рағбатлантирилади.

V. Яқун ясаш ва баҳолаш

Ўқитувчи ўқувчилар фаолиятига яқун ясайди, таҳлил қилади ва ўқувчиларни баҳолайди ҳамда баҳолар эълон қилинади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Битирув малакавий ишида «Қишлоқ хўжалигида кредит тизимидан самарали фойдаланиш» мавзусини замонавий ўқитиш услубиёти ишлаб чиқилди. Таълим жараёнида дарс машғулотларини педагогик технологияларнинг муаммоли методлари асосида ташкил этишга ва аудиториялардаги ўқувчиларнинг мавзуни пухта ўзлаштиришларини сезиларли даражада оширишга қаратилди.

1. Педагогик технологиялар асосида ташкил этилган дарс машғулотларида ўқувчиларнинг диққати барқарорлашади ва ўтилаётган материал тушунарли бўлиб, дарсда ўқувчиларнинг материални идрок қилишдаги вақтларини сезиларли даражада қисқартиради.

2. Педагогик технологиянинг таълим методларини танлашда асосан таълим мақсади, таҳсил олувчилар сони, таҳсил олувчиларнинг ўқув имкониятлари, таълимнинг давомийлиги, ўқув-моддий шароитлари ва ўқитувчининг маҳоратларини инобатга олиш муҳим, бу - таҳсил олувчиларда муайян фан бўйича билим, кўникма, малака ва шахс сифатларини шакллантирилишини таъминлайди.

3. «Муаммоли вазият» ҳамда «масала» тушунчаларининг маъноси бир хил эмас. «Масала» тушунчаси билан ҳаракатнинг баъзи объектив бериладиган характеристикаларигина белгиланади, иштирок этувчи шахс-субъект эса қушилмайди. Масалани ечиш жараёни изланаётган зарур нарсанинг топилишини таъминлайдиган масала шартларини узгартириш системасидан иборат. Қупчилик ҳолларда масала маълум булган билим, уқув ва малакаларни бевосита тадбиқ этиш асосида бажарилади ёки ҳал қилинади.

4. Фикрлашдаги ҳаракатларни «дилда» бажаришга қаратилган аклий операциялар системаси, дебгина тушиниш ярамайди. Тафаккур амалий ёки назарий ҳаракатдан ажралмасдир, у инсоннинг бутун фаолиятига хизмат қилади, инсон уз олдига вужудга келадиган муаммоларни ечишнинг тайёр усулларига эга булмаган ёки ҳаракатларни бажаришнинг янги усулларини

топиши зарур булган холларда унинг фаолиятини тартибга солишга ёрдам беради.

5. Педагогик технологиялар дарс жараёнларида ўқувчилар фаоллигини ошириш орқали берилаётган ўқув материални ўқувчиларнинг пухта узлаштиришига ёрдам беради, уларнинг фикрлаш фаолиятини ўстиради, ҳар нарсани билишга иштиёқ уйғотади.

6. Таълим жараёнида таълимнинг интерактив методлари қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ўқувчиларнинг мустақил қўйилган муаммо ечимини топиш малакаларини шакллантириб, фикр билдириш, ўзгалар фикрига танқидий ёндошиш ва ижодкорлик тафаккурларини ўстиради.

7. Қашқадарё вилоят акциядорлик тижорат Халқ банки Қарши шаҳри филиалининг 2015-2018 йиллардаги маълумотлари таҳлил қилинди. Маълумотларнинг банкнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисида статистик маълумотлар, терминаллар сони, пластик карталар сони, активлар миқдори, капиталлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг кредитлаш механизмини ифодоловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинган.

8. Қашқадарё вилоят акциядорлик тижорат Халқ банки Қарши шаҳри филиалида Ўзбекистон Республикасининг кейинги йилларда чиқарилган қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қонунлари бажарилиб келинмоқда.

Битирув малакавий ишини ёзиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида мамлакатларида, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги туфайли, бўлғуси ҳосилни гаровга олиш йўли билан кредитлаш усули оқилона усул ҳисобланади. Бўлғуси ҳосилни гаровга олиш қуйидаги икки шартга таяниши лозим:

– бўлғуси ҳосил фьючерс шартномалари асосида қатъий баҳоларда сотилиши керак;

– курғоқчилик, табиий офатлар туфайли, бўлғуси ҳосилга зиён етган тақдирда, бериладиган кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизлар суғурта компанияси томонидан тижорат банкига тўлаб берилиши зарур.

2. Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитлар фоиз ставкалари салмоқли қисмининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялаштирилиши, биринчидан, тижорат банкининг бериладиган кредитлар бўйича фоиз тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ ундириш имкониятини оширади; иккинчидан, кредитнинг асосий қарз суммасини ундириш эҳтимоли ошади, чунки фоиз ставкаси бериладиган кредитнинг баҳоси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий эркинлаштириш босқичида тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига бериладиган кредитларнинг фоиз ставкаларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялаш амалиёти мавжуд эмас.

3. Республикамиз қишлоқ хўжалигида фермер хўжалиklarини ривожлантириш ерга ҳақиқий мулкдорлик, мулкка эгаллик ҳиссини кучайтирди.

4. Тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг беқарорлиги, маълум даврий оралиқларда уларнинг сезиларли даражада ўсиши қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятини пасайтиради.

5. Қашқадарё вилоят акциядорлик тижорат Халқ банки Қарши шаҳри филиали томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкалари пасайиш тенденциясига эга бўлди. Бу эса, уларнинг Қашқадарё вилоят акциядорлик тижорат Халқ банки Қарши шаҳри филиалининг кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширишга хизмат қилади. Қашқадарё вилоят акциядорлик тижорат Халқ банки Қарши шаҳри филиалининг томонидан бериладиган узоқ муддатли кредитлар ўртача тортилган фоиз ставкасининг қисқа муддатли кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкасидан паст эканлиги банкнинг қишлоқ хўжалиги

ишлаб чиқарувчиларига бераётган кредитларининг даромадлилик даражасига салбий таъсир қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. тўлдирилган 2 чи наشري.— Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003.
2. А.И. Икромов. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари мавзусидаги семинар тренинг материаллари. Тошкент, 2002 й.
3. Ў.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Тошкент, «Фан», 2005 й.
4. Р. Мавлонова ва бошқалар. Педагогика. Тошкент, Ўқитувчи, 2001 й.
5. Н. Ғайбуллаев ва бошқалар. Педагогика (маърузалар матни). Тошкент, 2000 й.
6. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тайёрлов йўналишлари касб ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичи-Т. : 2002, 2004.
7. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. Қарши, Насаф, 2000 й.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-сонли Қарори.
9. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти. Халқ таълими журнали. 1999 й., №5
10. А.Х. Абдуллаев, З.Дехкамбаева «Ўрта махсус, касб ҳунар таълими тармоқ таълим стандартларини эксперт баҳолаш» услубий қўлланма. –Т: 2001 й.
11. С.Р.Шойқулов ва бошқалар. «Ҳисоблаш техникаси ва таълимнинг техник воситалари». Тошкент. «Ўқитувчи», 1995 й.
12. Хўжаев Н. Хасанов Ж. Иқтисодий педагогика. Тошкент, 2002.
13. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. тўлдирилган 2 чи наشري.— Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003
14. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида.— Тошкент: Ўзбекистон, 2005.— 144 б.
15. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.— Тошкент: Ўзбекистон, 2005.— 85 б.
16. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/ Тузувчи Ф.М.Муллажонов.— Тошкент: Ўзбекистон, 2005.— 8 б
17. Абдусаломова О. Тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2002. – №2. – б. 24-25.

18. Астапович А. Банковская система и проблемы кредитования экономики // *Мировая экономика и международные отношения*. – Москва, 2003. – №10. – с. 3-7.
19. Афанасьева О. Проблемы банковского кредитования реального сектора экономики // *Банковское дело*. – Москва, 2004. – №4. – с. 34-37.
20. Базовые принципы эффективного надзора за банковской деятельностью. Консультативное письмо Базельского Комитета по банковскому регулированию // *Бизнес и Банки*. – Москва, 1997. – №21 (343).
21. Банк тизими: асосий вазифа – ислохотларни чуқурлаштириш // *Банк ахборотномаси*. – Тошкент, 2005. – №10. – 1 б.
22. Муллажонов Ф. Банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш – устувор вазифамиз // *Бозор, пул ва кредит*. – Тошкент, 2005. – №8. – б. 3-10.
23. Назарова Ф., Хусинов И. Қишлоқ меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш // *Бозор, пул ва кредит*. – Тошкент, 2007, №6. – б.53-55.
24. Никитин А.В. Обеспечение устойчивости операций по страхованию сельхозкультур с господдержкой // *Финансы*.-М., 2008, №1.- с.52-55.
25. Нурмуротов Х. Банк тизими–кичик бизнес ривожиди // *Бозор, пул ва кредит*. – Тошкент, 2005. – №10. – б.3-8.
26. Плешанов А. Незаконное получение кредита: уголовная ответственность, меры предупреждения и возмещение ущерба // *Деньги и кредит*. – Москва, 1997. – №3. – с. 47-52.
27. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2008 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари // *Бозор, пул ва кредит*. – Тошкент, 2008. – №1. – б. 3-11.
28. Пшеничников В.В. Проблемные кредиты и работа с ними // *Экономическое обозрение*. – Ташкент, 1999. – №12. – с. 24-29.
29. Рафиков И. Ресурслар ва хизматлар бозори институционал асосларини такомиллаштириш // *Бозор, пул ва кредит*. – Тошкент, 2007, №6. – б.48-50.
30. Салоҳиддинов Х., Эргашев З. Финансирование сельского хозяйства: достижения и перспективы // *Бозор, пул ва кредит*. – Ташкент, 2007, №1. – с.30-33.
31. Скрынник Е.Б. Использование новых финансовых инструментов в приоритетном национальном проекте «Развитие АПК» // *Деньги и кредит*.-М., 2006, №8.-с.46-48.
32. Сплетугов Ю.А. Проблемы проведения страхования урожая с государственной поддержкой // *Финансы*.-М., 2007, №6.-с.44-47.
33. Статистические результаты исследования // *Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и частного предпринимательства*. – Ташкент, 2004.–103 с.
34. Тен В.А., Жовлиева О. Роль кредита в инвестиционном процессе // *Бозор, пул ва кредит*. – Тошкент, 2003. – №11. – б. 39-41.
35. Тен В.А., Зияева Н., Жовлиева О. Кредит и его роль в экономическом росте // *Рынок, деньги и кредит*. – Ташкент, 2003.– №7. – с.11-14.

- 36.Тошматов Р., Исломова С. Фермерчиликни ривожлантириш йўлида // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007, №6. –б.51-52.
- 37.Трушин Ю.В. Государственная программа развития сельского хозяйства: кредитный аспект // Деньги и кредит.-2007, №7.-с.3-36.
- 38.Тулябаева Р. Совершенствование кредитного процесса в условиях либерализации // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2002. – №7. –с.14-15.
- 39.Файзиева Ш. Фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007, №11. – б.67-69.
- 40.Файзиева Ш., Очилова Н. Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашда кредитларнинг аҳамияти // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007, №7. – б.57-58.
- 41.Хасанов Ж. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитлар қайтарилишини таъминлаш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2003. – №9. – б. 8-11.
- 42.Эргашев Р., Жумаева Г. Қишлоқ хўжалиги ислохотлари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007, №11. – б.70-71.
- 43.Қодиров А. Банк, миқоз ва кредит // Мулкдор. – Тошкент, 2003. – №52. – б.6-7.
- 44.Қодиров А. Кредит бериш механизмини такомиллаштириш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2004. –№6. –б.10-13.
- 45.Қодиров А. Ўзбекистон банк тизими: юксалиш одимлари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2005. –№9. –б.7-16.
http://www.usda_programs
<http://www.iuf.ru/>
<http://geliopax.tele-kom.ru>
<http://www.usaidmicro.org>